БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 144 (375)

20 ИЮЛЬ ЧОРШАНБА 1955 ИИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

18 июльда Женевада тўрт давлат — СССР, АҚШ, Англия ва Франция Ҳукуматлари Бошлиқларининг кенгаши ўз ишини бошлади. Барча мамлакатларда миллион-миллион кишилар бу кенгаш муваффақиятли натижаларга олиб келади деб умид қилиб, уни диққат блан кузатмоқдалар.

Тинчлик ва дўстликда яшаш — халқларнинг қат'ий иродасидир

Кеча Женевада тўрт давлат — СССР, АҚШ, Англия ва Франция Ҳукуматлари Бошлиқларининг кенгаши ўз ишини бошлади. Барча мамлакатларда миллион-миллион кишилар бу кенгаш муваффақиятли натижаларга олиб келади деб умид қилиб, уни диққат блан кузатмоқдалар.

Ҳал этишни талаб қилаётган проблемалар юзасидан бамаслаҳат зарур фикрга келиш йўлларини топиш Женева кенгашининг асосий вазифасидир. Кенгаш халқаро кескинликни юмшатиш ҳамда давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ишонч вазияти вужудга келтириш йўлларини ва воситаларини топиб бериши лозим.

Совет Иттифоқига келганда, унинг сиёсати халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга ва ривожлантиришга қаратилган сиёсатдир.

СССР ҳукумат делегациясининг бошлиғи Н. А. Булганин Женева Кенгашида 18 июльда қилган баёнотида бундай деди: «Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати аниқ ва равшандир. Биз халқлар ўртасида тинчлик бўлишини, у ёки бу давлатда қандай ички тартиб ўрнатилганлигизи қат'и назар, у, монархист давлатми ёки республикачи давлатми, капиталистик давлатми ёки социалистик давлатми эканлигидан қат'и назар, барча давлатларнинг тинч-тотув бўлиб яшашини талаб қилиб келдик ва талаб қилмоқдамиз, чунки ҳар қайси давлатдаги мавжуд социал ва иқтисодий система тўғрисидаги масала шу давлат халқининг ички ишидир».

Бу шак-шубҳасиз қоидани э'тироф қилиш халқаро проблемаларни муваффақиятли ҳал қилмоқ учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳал этилмаган масалаларни, шу жумладан Европа ва Осиёнинг ҳал этилмаган проблемаларини ҳал қилиш йўлида турган қийинчиликларни камайтириб кўрсатиш ярамайди.

Женева Кенгашида тўрт давлат вакилларининг сўзлаган ва бугун э'лон қилинаётган нутқлари шуни кўрсатадики, фикр олишиш зарур бўлган масалалар бор ва шу масалалар устида бамаслаҳат зарур фикрга келмоқ учун асос топиш керак. Қўшимча равишда ўрганишни талаб қиладиган масалалар ҳам бор. Тўрт давлат ҳукуматлари турли нуқтаи назардан қараётган масалалар бор. Бироқ, Женевада вакиллари қатнашаётган ҳамма давлатлар тинч ва осойишта яшашга муштоқ бўлиб турган халқларнинг умидларини рўёбга чиқаришга астойдил интилсалар, у ҳолда бу нарса Кенгашнинг муваффақиятли ишлашига халакит бермаслиги лозим.

Шу муносабат блан АҚШ президенти Эйзенхауэрнинг Женева Кенгашидаги баёнотида айтган гапини қайд қилиб ўтмасдан бўлмайди. Эйзенхауэр айтдики, «Америка халқи совет халқининг ўсти ўйлашни истарди. Америка халқи блан совет халқи ўртасида низо'лар йўқ, улар ўртасида жанжаллар йўқ, савдо душманчилиги йўқ. Тарихий жиҳатдан бизнинг халқларимиз ҳамиша тотув бўлиб яшаб келган. лар».

Совет Ҳукумат Делегацияси Кенгашдаги ўз баёнотида энг муҳим халқаро проблемаларни кўрсатиб берди ва шу проблемаларни ҳал қилиш учун таклифлар киритди. Совет Ҳукумати зўр бериб қуролланишга хотима бериш, атом қуролини тақиқлаш ва атом энергиясидан фақат тинчлик мақсадларидагина фойдаланишни та'минлаш зарурлигини назарда тутиб, бошқа уч давлатнинг оддий қурол-яроғлар тўғрисидаги таклифларини қабул қилди ва шу давлатлар атом қуролини тақиқлаш масаласида битимга келишни та'минлайдиган қадам қўйишлари лозим деб кутишга ҳақлидирки, бу нарса қуролсизланиш тўғрисидаги бутун масалани реал заминга қўйишга имкон берган бўлур эди. Шу блан бирликда, Совет Иттифоқи атом энергиясидан тинчлик мақсадида фойдаланиш соҳасида кенг миқ'ёсда халқаро ҳамкорлик қилинишини талаб этмоқда. Қуролсизланиш масаласи муносабати блан Франция делегациясининг бошлиғи Э. Форнинг ҳарбий эҳтиёжларга бюджетлардан ажратилаётган маблағларни камайтириш зарурлиги тўғрисида айтган гаплари диққатга сазовордир.

Ўтмишда икки марта жаҳон урушининг ўчоғи бўлган Европада барча Европа давлатлари ва АҚШнинг иштироки блан коллектив хавфсизлик системаси вужудга келтириш проблемаси ҳам ҳозирги замоннинг муҳим проблемасидир. Совет Ҳукумат Делегацияси бундай системани вужудга келтириш йўлида турган қийинчиликларни ҳисобга олиб, бу проблемани икки даврга бўлиб ҳал этишни таклиф қилди. Биринчи даврда шартнома қатнашчилари бўлган давлатлар мавжуд шартномалар ва битимлар юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятлардан озод қилинмайдилар, лекин улар қуролли куч қўлланиш тўғрисида ўзларини тийиш ва ўз ўрталарида пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳамма низо'ларни тинч воситалар блан ҳал этиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Иккинчи даврда Европада коллектив хавфсизлик системаси тўла ҳажмда вужудга келтирилган бўлур эди, шу блан бирга Шимолий Атлантик Шартномаси, Париж битимлари ва Варшава Шартномаси айни бир вақтда ўз кучини йўқотган бўлур эди.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, Европадаги хавфсизлик масаласи тўғрисида бамаслаҳат бир фикрга келиш зарурлигини Англия делегациясининг бошлиғи А. Иден ҳам Кенгашда ёқлаб гапирди.

Европа давлатларининг территорияларидан четал қўшинларини олиб чиқиб кетиш Европадаги вазиятни яхшиламоқ ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда бўлган ишончсизликни бартараф қилмоқ учун алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлур эди.

Халқаро муносабатлардаги кескинликнинг юмшатилиши ва Европада самарали хавфсизлик системасининг вужудга келтирилиши Германия масаласини ҳал қилишни кўп жиҳатдан осонлаштиргани бўлур эди, тинчлик ва демократик негизларда Германияни бирлаштирмоқ учун зарур бўлган негизларни вужудга келтирар эди. Совет ҳукумати герман халқининг миллий манфаатларига ва Европа хавфсизлигининг манфаатларига мувофиқ Германияни бирлаштириш тарафдори бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Ғарбий Германиянинг ҳарбийлаштирилаётганлиги ва ғарб давлатларининг ҳарбий гуруҳларига қўшиб олинаётганлиги ҳозирги вақтда Германияни бирлаштириш йўлида асосий ғов бўлиб турибди.

Совет ҳукумат делегацияси Шимолий Атлантик шартномаси ва Париж битимларининг қатнашчилари бўлган давлатлар блан Варшава шартномаси қатнашчилари бўлган давлатлар бир-бирларига қарши қуролли куч қўлланмаслик тўғрисида ўзаро мажбуриятлар олишлари ва ўз ўрталарида келишмовчилик туғилган тақдирда ва бу келишмовчилик Европада тинчликни сақлаб туришни хавф остида қолдирган тақдирда ўзаро консультациялар ўтказиш мажбуриятини зиммаларига олишлари мумкинлигига ҳам Кенгашдаги бошқа қатнашчиларнинг э'тиборини жалб қилди.

Совет Иттифоқи яна шундай деб ҳам ҳисоблайдики, бетарафлик сиёсатини ўтказишни ва, модомики ҳарбий гуруҳлар мавжуд экан, шу гуруҳларда қатнашмаслик сиёсатини ўтказишни истаган ҳамда ўз хавфсизликларини ва территориал дахлсизликларини гарантиялаш масаласини қўйишни истаган давлатлар бўлса, буюк давлатлар шундай давлатларнинг истагини қондиришлари мумкин бўлур эди. Совет Иттифоқи мана шу хилдаги гарантияларда қатнашишга тайёрдир.

Осиёдаги ва Узоқ Шарқдаги, шу жумладан Тайвань районидаги аҳволни, Хитойнинг шу ороли ҳеч сўзсиз ҳақи борлигини э'тироф қилиш асосида ҳал қилиш бутун халқаро вазиятни яхшилаш учун катта аҳамиятга эга бўлур эди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Хитой Халқ Республикасининг қонуний ҳуқуқларини ҳам тезроқ тиклаш зарур.

Давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш манфаатлари нуқтаи назаридан қараганда, Женевадаги тўрт давлат кенгаши олдида халқаро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда маданият ва фан соҳасида халқаро алоқани ва ҳамкорликни кенг ривожлантириш масаласи ҳам турибди.

Совет кишилари бутун дунёда тинчликнинг мустаҳкамланишидан ғоят манфаатдордирлар, улар тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг Женева Кенгаши барча мамлакатлар халқларининг шу кенгашдан кутган катта умидларини рўёбга чиқаришини чин кўнгилдан тиламоқдалар. Тинчлик ва дўстликда яшаш — халқларнинг қат'ий иродасидир.

(«ПРАВДА» нинг 19 июльдаги бошмақоласи).

Совет кино ходимларига Вьетнам Демократик Республикасининг орденларини топшириш маросими

Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати ва Президент Хо Ши Мин Марказий ҳужжатли фильмлар студиясининг операторлари Р. Л. Карменни, В. С. Ешуринни ва Е. В. Мухинни 1-нчи даражали Меҳнат ордени блан мукофотладилар. Булар Вьетнам кино ходимлари блан бирликда бадиий-ҳужжатли «Вьетнам» фильмини яратган эдилар.

Ҳозирги вақтда совет экранларида ва бирқанча четал мамлакатларида катта муваффақият блан кўрсатилаётган бу кинофильмда вьетнам халқининг золимларга қарши, миллий мустақиллик учун, тинчлик учун олиб борган қаҳрамонона кураши ҳикоя қилинади.

18 июльда Вьетнам Демократик Республикасининг элчихонасида совет кино ходимларига орденларни топшириш маросими бўлди.

Вьетнам Демократик Республикасининг СССР даги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Нгуэн Лонг Банг мукофотланганларни самимий табриклади.

Вьетнам Демократик Республикасининг Маориф министри Нгуен Ван Гуен Вьетнам Демократик Республикаси Ҳукуматининг топшириғи блан совет кино операторларига орденларни топширди.

Р. Л. Кармен Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматига ва Президент Хо Ши Минга бу юксак мукофот учун мукофотланганлар номидан қизғин ташаккур билдирди. (ТАСС).

Совет Ҳукуматининг ва Вьетнам Демократик Республикаси Ҳукуматининг биргаликда чиқарган АХБОРОТИ

Шу йил 12 июльдан 18 июльгача Совет Ҳукуматининг таклифи блан Вьетнам Демократик Республикаси Президенти ва Бош Министри ўртоқ Хо Ши Мин бошчилигидаги Вьетнам Демократик Республикаси Ҳукумат делегацияси Совет Иттифоқида бўлди. Шу давр мобайнида Совет Иттифоқи Ҳукумати блан Вьетнам Демократик Республикасининг Ҳукумат делегацияси ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Музокараларда совет томонидан: СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосарлари Л. М. Каганович, А. И. Микоян, В. М. Молотов, М. Г. Первухин қатнашдилар.

Музокараларда Вьетнам Демократик Республикаси томонидан: Вьетнам Демократик Республикасининг Президенти ва Бош Министри Хо Ши Мин, Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг Бош Секретари Труонг Шин, Молия министри Ле Ван Гиен, Саноат ва савдо министри Фан Ань, Маориф министри Нгуен Ван Гуен, Деҳқончилик ва ўрмончилик министри Нгием Суан Ием, Президент канцелариясининг бошлиғи Нгуен Зуй Тринь, Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Унг Ван Хием, Соғлиқни сақлаш Министрининг ўринбосари Фам Нгок Тхаж ва Вьетнам Демократик Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Нгуэн Лонг Банг қатнашдилар.

Музокаралар чинакам самимият ва дўстлик вазиятида ўтди.

Музокаралар вақтида Совет Иттифоқи блан Вьетнам Демократик Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари, шунингдек ҳар иккала мамлакатни қизиқтиручи халқаро проблемалар муҳокама қилинди. Музокараларда халқаро аҳвол масалаларида ҳам, шунингдек СССР блан Вьетнам Демократик Республикаси ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш соҳасида ҳам Совет Иттифоқи блан Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматларининг қарашларида тўла бирлик борлиги аён бўлди.

СССР ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматлари Хинди-Хитой тўғрисидаги Женева битимларининг аниқ амалга оширилишига эришиш учун тинмай ҳаракат қилишга ўзларининг тайёр эканликларини яқиллик блан та'кидладилар. Ҳар иккала ҳукумат Вьетнамнинг суверенитетини, мустақиллигини, бирлигини ва территориал бутунлигини Женева битимларида белгилангандек ҳурматлаш асосида Вьетнам бирлаштирилгандан кейингина Хинди-Хитойда тинчлик мустаҳкамланиши мумкин деган фикрга асосланиб, Вьетнам тўғрисидаги Женева битимлари шартларининг бажарилишига алоҳида аҳамият бермоқдалар.

Ҳар иккала ҳукумат Женева битимларида кўзда тутилганидек, қўшинларни белгиланган жойларга келтириб қўйиш ва Вьетнам тўғрисидаги Женева битимларининг бошқа ҳарбий моддаларини амалга ошириш ишлари манфаатдор давлатларнинг биргаликда қуч-ғайрат сарф қилишлари натижасида муваффақият блан тугалланганлигини қаноатланиб қайд қилдилар. Улар шу нарсани э'тироф қилдиларки, Женева битимларини бажаришдаги бу муваффақият Хинди-Хитойда ва бутун дунёда тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига қўшилган катта ҳиссадир. Вьетнамда, Лаосда ва Камбоджада ишлаётган ҳамда Ҳиндистон, Польша, Канада вакилларидан иборат қилиб ва Ҳиндистон вакиллари бошчилигида тузилган Халқаро кузатиш ва контроль Комиссияларининг самарали ишлаганлиги қайд қилинди ва бу Комиссиялар Женева битимларига мувофиқ сиёсий проблемаларни ҳал қилиш ишларида ҳам ўз вазифаларини муваффақиятли бажарурлар, деб умид билдирилди.

Ҳар иккала ҳукумат Вьетнамни бирлаштириш мақсадида 1956 йил июль ойида ўтказиладиган умумий сайловларга тайёргарлик кўриш блан боғлиқ бўлган масалалар бўйича Вьетнам Демократик Республикаси блан Жанубий Вьетнамнинг компетентли вакиллари ўртасидаги консультациялар Женева битимларида кўрсатилган муддатларда ўтказилишининг муҳимлигини яқиллик блан та'кидладилар.

Совет Иттифоқи ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматлари, Женева битимини имзолаган давлатлар, шунингдек шу битимларни амалга оширишга алоқадор бўлган барча давлатлар шу битимларни амалга оширмоқ учун зарур чораларни кўришлари лозим деб ҳисоблайдилар.

Ҳар иккала ҳукумат Осиё ва Африка мамлакатларининг Бандунгдаги конференциясининг қарорлари катта ижобий аҳамиятга эга эканлигини мамнуният блан қайд қилдилар, бу конференцияда Хитой Халқ Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси айниқса самарали роль ўйнадилар. Бу конференция сиёсий ва социал-иқтисодий тузуми турлича бўлган мамлакатларнинг тинчлик манфаатлари йўлида муваффақиятли ҳамкорлик қилишларини кўрсатучи яққол ўрнак бўлди.

Музокаралар вақтида ҳар иккала ҳукуматнинг ўз муносабатларида суверенитетни ва территориал бутунликни ўзаро ҳурмат қилиш, ҳужум қилмаслик ва ички ишларга аралашмаслик, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик, тотув яшаш принципларига амал қилаётганликлари қайд этилди ва мазкур принциплар турли давлатлар томонидан кенг ва самарали халқаро ҳамкорлик учун асос тариқасида тобора кенгроқ э'тироф қилинаётганлиги ва қабул қилинаётганлиги мамнуният блан кўрсатиб ўтилди.

Ҳар иккала ҳукумат, Вьетнам Демократик Республикаси блан Осиёнинг бошқа мамлакатлари ўртасидаги дўстона муносабатлар, я'ни мазкур принципларга таянучи дўстона муносабатлар Шарқи-Жанубий Осиёда тинчлик зонасини вужудга келтиришга ва кенгайтиришга ёрдам беради ва бу блан бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига ёрдам беради, деб ҳисоблайдилар.

СССР ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматлари Женева битимларига риоя қилган агрессив ҳарбий блокнинг, я'ни Шарқи-Жанубий Осиёдаги агрессив ҳарбий блок (СЕАТО)нинг та'сир доирасига Жанубий Вьетнамни, Лаосни ва Камбоджани киритиш йўлидаги уринишларни қат'иян қоралайдилар. Улар ба'зи четал давлатларининг Жанубий Вьетнам, Камбоджа ва Лаоснинг ички ишларига аралашиш йўлидаги уринишлари ҳамда шу мамлакатларни ҳарбий характердаги битимларга қўшилишга мажбур қилиш йўлидаги уринишлар Женева битимларига асло тўғри келмайдиган иш эканлигига ҳам э'тиборни жалб қилдилар.

Ҳар иккала ҳукумат, халқаро сиёсий проблемаларнинг ҳал қилиниши ҳозирги вақтда манфаатдор давлатларнинг ҳаққайси томоннинг қонуний манфаатларини ҳурматлаш асосида ўз ўрталарида битимга келишга тайёр эканликларига тўла равишда боғлиқдир, деб ҳисоблайдилар.

Совет Иттифоқи ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматлари халқларнинг тинчликни та'минлаш йўлидаги активлиги кучайиб бораётганлигини, бу активлик халқаро муносабатлардаги кескинликни бирмунча юмшатишга олиб келганлигини мамнуният блан қайд қилдилар.

Бу нарса, жумладан, тўрт давлат Ҳукуматлари Бошлиқларининг Кенгашини чақириш фактида ўз ифодасини топди. Ҳар иккала ҳукумат, буюк давлатлар низо'ли масалаларни музокаралар олиб бориш йўли блан ҳал қилмоқ учун ўз куч-ғайратларини сарфлашни давом этирурлар, бу эса, ҳеч шубҳасиз, ўзаро ишонч атмосфераси ўрнатилишига ва умумий тинчликнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради, деб умид билдирилар.

Ҳар иккала ҳукумат шу нарсани мамнуният блан қайд қиладиларки, Хитой Халқ Республикаси блан Вьетнам Демократик Республикаси ўртасида вужудга келган дўстона муносабатлар ва кенгайиб бораётган иқтисодий ҳамда маданий ҳамкорлик хитой ва вьетнам халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушмоқда ҳамда Узоқ Шарқда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ишида муҳим фактор бўлмоқда.

СССР ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматлари шу нарсани чуқур мамнуният блан қайд қилдиларки, совет ва вьетнам халқларини бир-бирига боғловчи ўзаро дўстлик ва бирдамлик ҳислари СССР блан Вьетнам Демократик Республикаси ўртасида вужудга келган муносабатларнинг негизини ташкил қилмоқда.

Ҳар иккала ҳукумат Совет Иттифоқи блан Вьетнам Демократик Республикаси ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга интилишда яқиндирлар.

Музокаралар вақтида СССР блан Вьетнам Демократик Республикаси, я'ни узоқ йиллар давом қилган уруш натижасида халқ хўжалигига оғир модий зарар етказилган Вьетнам Демократик Республикаси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Шу муносабат блан Совет ҳукумати Вьетнам Демократик Республикаси аҳолисининг турмуш даражасини оширмоқ ва экономикасини тикламоқ учун, шу жумладан 25 та саноат ва коммунал корхоналарни тиклаб ва қуриб олмоқ учун ёрдам тариқасида ва қайтиб бермаслик шарти блан 400 миллион сўм пул ажратди.

СССР ҳукумати Вьетнам Демократик Республикасига СССР олий ва ўрта техника ўқув юртларида вьетнамли мутахассислар тайёрлашда ёрдам кўрсатади, шунингдек Вьетнам ўқув юртларида мутахассислар тайёрлашни ташкил этишда ёрдам беради, геология-қидириш ишларини ўтказишда, шунингдек юқумли касалликларга қарши курашиш соҳасида даволаш-профилактика тадбирларини ва бошқа тадбирларни амалга оширишда ва бошқа соҳаларда техник ёрдам кўрсатади.

Ҳар иккала ҳукумат ўз мамлакатлари ўртасида ўзаро савдо-сотиқни кенгайтириш зарурлиги тўғрисида яқиллик блан бир фикрга келдилар ва шу мақсад блан савдо битими тузилди.

Ҳар иккала ҳукумат, бўлиб ўтган фикр олишув, ҳеч шубҳасиз, ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатлари йўлида СССР блан Вьетнам Демократик Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга ёрдам беради ҳамда бутун дунёда тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатларига хизмат қилади, деб қат'ий ишонч билдирадилар.

Москва шаҳри, 1955 йил 18 июль.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ҳузурида Вьетнам Демократик Республикаси Президенти Хо Ши Мин шарафига зиёфат

18 июльда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Катта Кремль Саройида Совет ҳукуматининг таклифига биноан СССР да меҳмон бўлиб турган Вьетнам Демократик Республикаси Президенти ва Бош Министри Хо Ши Мин ва Вьетнам Ҳукумат делегацияси а'золари шарафига зиёфат берди.

Вьетнам томонидан зиёфатда Президент Хо Ши Мин, Вьетнам меҳнаткашлар партиясининг Бош Секретари Труонг Шин, Молия министри Ле Ван Гиен, Саноат ва савдо министри Фан Ань, Маориф министри Нгуен Ван Гуен, Деҳқончилик ва ўрмончилик министри Нгием Суан Ием, Президент канцелариясининг бошлиғи Нгуен Зуй Тринь, Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Унг Ван Хием, Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари Фам Нгок Тхаж, Вьетнам Демократик Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Нгуэн Лонг Банг ҳозир бўлдилар.

Совет томонидан зиёфатда Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, М. Г. Первухин, М. А. Суслов, П. Н. Поспелов, Д. Т.Шепилов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари А. П. Завенягин, В. А. Кучеренко, П. П. Лобанов, В. А. Малишев, И. Ф. Тевосян, М. В. Хруничев, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг Ўринбосарлари Ш. М. Арушанян, М. П. Тарасов, СССР Министрлари В. П. Елютин, В. П. Зотов, И. Г. Кабанов, Н. А. Михайлов, П. И. Паршин, Д. Я. Райзер, Н. С. Рижов, А. Г. Шереметьев, Совет Иттифоқи Маршали А. М. Василевский, СССР Олий Совети Президиумининг секретари Н. М. Пегов, ТАСС Мас'ул раҳбари Н. Г. Пальгунов, иқтисодий алоқа ишлари блан шуғулланучи бош бошқарманинг бошлиғи К. И. Коваль, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосарлари В. В. Кузнецов ва В. А. Зорин, Совет Иттифоқининг Вьетнам Демократик Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. А. Лавришчев, Москва Совети ижроия комитетининг раиси М. А. Яснов, СССР Олий Совети Президиуми секретарининг ўринбосари А. Ф. Горкин, СССР ТИМ Шарқи-жанубий Осиё мамлакатлари бўлимининг мудири Б. М. Волков, СССР ТИМ Протокол бўлими мудири вазифасини бажаручи Г. И. Фомин, Четаллар блан маданий алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамияти правлениеси раисининг ўринбосари В. Г. Яковлев ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда Хитой Халқ Республикасининг СССР даги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Лю Сяо ҳам ҳозир бўлди.

Зиёфат вақтида ўртоқ К. Е. Ворошилов ва Президент Хо Ши Мин нутқ сўзладилар.

Зиёфат жуда самимий ва дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

Вьетнам Демократик Республикасининг Ҳукумат делегацияси Москвадан жўнаб кетди

Вьетнам Демократик Республикасининг Президенти ва Бош Министри Хо Ши Мин бошчилигидаги Ҳукумат делегацияси 18 июль кечкурун Москвадан ватанига жўнаб кетди.

Совет ҳукуматининг таклифи блан Совет Иттифоқига келган Вьетнам делегацияси Москвада олти кун бўлди. Совет пойтахти Вьетнам халқининг отоқли давлат арбоби Президент Хо Ши Минни ва Ҳукумат делегациясининг а'золарини хурсандлик ва самимият блан кутиб олди. Вьетнамли меҳмонларнинг Москвада ўтказган ҳарбир куни миллий мустақиллик учун олиб борилган машаққатли курашда миллий мустақиллигини қаттиқ туриб сақлаб қолган, ўз мамлакатининг экономикасини фидокорлик блан тиклаётган, миллий маданиятни ривожлантираётган, демократия ва тинчлик сиёсатини изчиллик блан ўтказаётган қаҳрамон вьетнам халқига нисбатан совет кишиларининг самимий, қардошлик ҳисларини янги куч блан намойиш қилди ва яққол кўрсатди.

Шу кунларда Вьетнам Ҳукумат делегацияси қаерга борса ҳам, уни москвалилар қизғин кутиб олдилар. И. В. Сталин номидаги автозавод цехларида, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг павильонларида, Москва Давлат университетининг аудиторияларида, пионерлар лагерида, театрларда совет кишилари — жамоат арбоблари, ишчилар, интеллигенция, ўқучи ёшлар Президент Хо Ши Минни ва Вьетнам Ҳукумат делегациясининг а'золарини хурсандлик, самимият, катта муҳаббат блан табриклаб кутиб олдилар.

18 июльда ҳам совет пойтахти Президент Хо Ши Минни ва Вьетнам Демократик Республикаси Ҳукумат делегациясининг а'золарини шундай самимият блан, Вьетнам халқига ўзининг энг яхши истакларини билдириб, кузатиб қолди.

Вьетнам Демократик Республикасининг ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари блан безатилган аэродромда Москва меҳнаткашларининг вакилларидан иборат беш мингга яқин киши тўпланди. Президент Хо Ши Мин ва делегация а'золари аэродромга бораётганларида шаҳар кўчаларида турган минглаб москвалилар уларни дўстона табриклаб қолдилар. Совет ва вьетнам халкларининг дўстлиги шарафига, Президент Хо Ши Мин шарафига айтилган хитоблар эшитилиб турди.

Аэродромда Президент Хо Ши Минни ва унинг хамроҳларини СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, М. Г. Первухин, М. А. Суслов, П. Н. Поспелов, Д. Т. Шепилов ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари Ш. М. Арушанян ва М. П. Тарасов, СССР Министрлари В. П. Елютин, В. П. Зотов, И. Г. Кабанов, Н. А. Михайлов, П. И. Паршин, Д. Я. Райзер, Н. С. Рижов, А. Г. Шереметьев, Совет Иттифоқи Маршали А. М. Василевский, ТАСС Мас'ул раҳбари Н. Г. Пальгунов, иқтисодий алоқалар ишлари бош бошқармасининг бошлиғи К. И. Коваль, СССР Министрларининг ўринбосарлари С. В. Кальченко, В. В. Кузнецов, П. С. Кучумов, Авиация маршали С. И. Руденко, Москва Совети ижроия комитетининг Раиси М. А. Яснов, Совет Иттифоқининг Вьетнам Демократик Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. А. Лавришчев, СССР Олий Совети Президиуми секретарининг ўринбосари А. Ф. Горкин, СССР Ташқи ишлар министрлиги Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатлари бўлими мудири Б. М. Волков, КПСС Москва шаҳар комитети секретарлари П. Т. Марченко, В. И. Прохоров, СССР Ташқи ишлар министрлиги Протокол бўлими мудирининг вазифасини бажаручи Г. И. Фомин, Москва шаҳри коменданти генерал-майор И. С. Колесников, СССР Олий Совети Президиумининг, СССР Министрлар Советининг, СССР Ташқи ишлар министрлигининг мас'ул ходимлари, совет ва четал журналистлари кузатиб қолдилар.

Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукумат делегациясини Вьетнам Демократик Республикасининг Москвадаги Элчихонасининг дипломатик состави, СССРдаги четал дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари кузатиб қолдилар.

...Президент Хо Ши Мин аэродромга келиши блан уни фахрий қоровул бошлиғи кутиб олиб, рапорт беради. Вьетнам Демократик Республикасининг ва Совет Иттифоқининг Давлат гимнлари янграйди. Президент Хо Ши Мин ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов саф тортиб турган фахрий қоровул олдидан ўтадилар. Сўнгра Хо Ши Мин СССР Министрлари блан, совет жамоат арбоблари блан, Элчихоналар ва Миссияларнинг бошлиқлари блан, Москва меҳнаткашларининг вакиллари блан хайрлашади. Вьетнам Ҳукумат делегациясининг бошқа а'золари ҳам кузатиб қолучилар блан хайрлашадилар.

Президент Хо Ши Мин микрофон олдига келиб нутқ сўзлайди.

Президент ХО ШИ МИН нутқи

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Совет Иттифоқига келган Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукумат делегацияси ўз вазифасини бажарди ва бугун ватанига жўнаб кетмоқда.

Совет Иттифоқида бизни тўғришган ажаукалардек самимият блан қизғин кутиб олдилар. Биз жуда хурсанд бўлдик. Биз жўнаб кетатуриб Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, Совет ҳукуматига ва совет халқига бизга ва вьетнам халқига кўрсатган қизғин хайрихоҳликлари учун чин қалбимиздан ташаккур билдирамиз.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Президент Хо Ши Мин нутқининг охири

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Биз кўпгина катта саноат ва қишлоқ хўжалик қурилишларини бориб кўрдик, Москва Давлат университетида ва пионерларнинг ёзлик лагерида бўлдик.

Биз шу нарсани жуда хурсанд бўлиб қайд қилдикки, совет халқининг турмуш даражаси кундан-кунга тобора ошиб бормоқда ва совет халқининг кучи жуда катта; совет халқи ўзининг бу кучлари блан тинчликни бутун дун'ёда ҳечшубҳасиз муваффақият блан сақлаб қолади ва коммунизм қуради.

Биз Совет ҳукумати блан музокаралар олиб бордик, ҳар икки томон ҳам кўпгина халқаро масалалар бўйича якдиллик блан бир фикрга келди. Биз бундан буён ҳам мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришга кат'ий бел боғладик. Вьетнам халқига илгари хойриҳоҳлик қилиб ва мадад бериб келган Совет ҳукумати ва совет халқи эндиликда вьетнам халқининг тинчликни мустаҳкамлаш, Вьетнамнинг бирлигини амалга ошириш, бутун мамлакатда мустақилликка ва „демократияга эришиш учун олиб бораётган курашида унга янада конкретроқ ёрдам кўрсатмоқда. Бу бегараз ёрдам вьетнам халқининг ишончини ва кучини янада кўпроқ мустаҳкамлайди, шунингдек халқнинг турмуш даражасини яхшиламоқ ва унинг кучларини кўпайтирмоқ учун миллий хўжаликни тезроқ тиклаб олиш соҳасида олдимизда турган жуда катта вазифаларни бажаришга кўмаклашади.

Бугундан бошлаб вьетнам халқи блан совет халқи ўртасидаги ҳамкорликнинг янада кўпроқ мустаҳкамланишига, улар ўртасидаги бузилмас дўстлик эса янада мустаҳкамланиб боришига қаттиқ ишонамиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, Совет ҳукуматига ва совет халқига бизнинг делегациямизни самимият блан кутиб олганликлари учун чин қалбимиздан яна бир марта ташаккур билдирамиз.

Яшасин вьетнам ва совет халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик!

Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик „партияси!

Яшасин бутун дун'ёда тинчликнинг таянчи бўлган Совет Иттифоқи!

Яшасин бутун дун'ёда тинчлик!

* * *

Аэродромда ҳозир бўлганлар Президент Хо Ши Минни, Ҳукумат делегацияси а'золарини қарсаклар чалиб қизғин табриклайдилар.

Президент Хо Ши Мин, делегация а'золари, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарлари самолётлар олдига борадилар.

. . . Улар қаттиқ қўл қисиб хайрлашадилар, дўстона қучоқлашадилар. Пионерлар Хо Ши Минга ва делегация а'золарига гулдасталар тақдим қиладилар. Президент Хо Ши Мин ва Вьетнам Демократик Республикаси делегациясининг а'золари самолётларга чиқадилар. Улар кузатиб қолувчиларни табриклаб уларга қўл силкийдилар.

Кечқурун соат 8—45 минутда самолётлар ердан парвоз қилиб, шарққа томон йўл оладилар.

Вьетнам Демократик Республикасининг Ҳукумат делегациясини СССР Олий Совети Президиумининг секретари Н. М. Пегов, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол бўлими мудирининг ёрдамчиси К. А. Кочетков, шунингдек Вьетнам Демократик Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Нгуэн Лонг Банг узатиб кетдилар.

(ТАСС).

Тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг Женева кенгашида

ЖЕНЕВА, 18 июль. **(ТАСС махсус мухбири).** Тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқлари Кенгашининг бугун эрталабки мажлисида Д. Эйзенхауэр ва Э. Фор нутқ сўзладилар.

Эндиги мажлис бугун кундуз соат 15 да бўлади.

ЖЕНЕВА, 18 июль. **(ТАСС махсус мухбири).** Тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқлари Кенгашининг кундузги мажлисида Англия бош министри А. Иден ва совет делегациясининг бошлиги СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин сўзга чиқиб баёнот бердилар.

ЖЕНЕВА, 18 июль. **(ТАСС махсус мухбири).** Бугун Ўрта Европа вақти блан эрталаб соат 10 да Миллатлар саройининг кенгашлар залида тўрт давлат — СССР, АҚШ, Англия ва Франция ҳукуматлари бошлиқларининг Кенгаши очилди.

Кенгашда Совет Иттифоқи томонидан Ҳукумат делегацияси қатнашмоқда, Совет ҳукумат делегацияси составида: СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин (делегация бошлиғи), СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчев, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов, СССР Мудофаа Министри Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуков, СССР Ташқи ишлар министрининг Биринчи ўринбосари А. А. Громико бор.

Кенгашда Америка Қўшма Штатларидан вакил бўлиб президент Д. Эйзенхауэр, давлат секретари Д. Даллес, давлат департаментининг кенгашчиси Д. Макартур, давлат секретарининг Европа ишлари бўйича ёрдамчиси Л. Мерчэнт, президентнинг махсус ёрдамчиси Д. Андерсон қатнашмоқда.

Қўшма Королвлик делегациясига бош министр А. Иден бошчилик қилмоқда. Делегация составида ташқи ишлар министри Г. Макмиллан, министрлар кабинетининг секретари Н. Брук, ташқи ишлар министрининг доимий ўринбосари А. Киркпатрик, ташқи ишлар министри ўринбосарининг ёрдамчиси Г. Каччиа бор.

Франция делегацияси составида бош министр Э. Фор, ташқи ишлар министри А. Пинэ, Франциянинг СССР даги Элчиси Л. Жоке, бош министрнинг ташқи сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчиси А. Берар, Франция ташқи ишлар министрлиги сиёсий департаментининг директори Р. де Маржери бор.

Эрталаб соат 10 да ҳукумат делегацияларининг бошлиқлари ва а'золари Кенгаш столи олдида ўз ўринларига келиб ўтирдилар. Залда делегацияларнинг маслаҳатчилари ва экспертлари ҳам бор.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари Д. Хаммаршельд кенгаш қатнашчиларини Бирлашган Миллатлар номидан табриклади. У, тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқлари Кенгашининг мақсадлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ва унга а'зо бўлган барча давлатларнинг манфаатлари блан бевосита боғлиқ эканлигини кўрсатиб ўтди.

— Мен сизларга муҳим вазифангизни бажаришда муваффақиятлар тилаб,— деди Д. Хаммаршельд кенгаш қатнашчиларига мурожаат қилиб,— умидлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотида гавдалантирилган халқлар номидан гапираётирман.

Кенгашга қатнашаётган барча мамлакатлар делегацияларининг таклифи блан биринчи мажлисни АҚШ президенти Д. Эйзенхауэр очди. Бундан кейин мажлисларда барча делегацияларнинг бошлиқлари навбатма-навбат раислик қиладилар, деган қарорга келинди.

Д. Эйзенхауэр биринчи мажлисни очиб, ўзимнинг барча шерикларим блан фақат расмий алоқаларнигина эмас, шу блан бирга, бўлган алоқаларни ҳам яна бошлаб юбориш имкониятига эга бўлурман, деб умид билдирди. У, Кенгаш қатнашчиларининг менга Кенгашга ёрдам кўрсатганлиги учун Швейцария ҳукуматига миннатдорчилик билдиришни топшириш ларига аминман, деди.

— Мен,— деди Эйзенхауэр,— сизлар Швейцария конфедерациясининг президентига ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретарига ўзимизнинг чуқур миннатдорчилигимизни ифодалаб ҳат юборишимни истарсиз, деб ўйлайман.

— Биз ўзаро гаплашиб,— деб давом қилди Эйзенхауэр,—Кенгаш процедураси тўрт ташқи ишлар министрлари ўртасида келишиб олинсин, жумладан, тўрт давлатнинг бирлашган секретариати тузилсин, деган фикрга келдик. Секретариат бошлиғи — Питер Уилкинсон бўлади. Бошқа уч делегациянинг вакилдари унга ўринбосар бўладилар. Бу кенгашда қабул қилинини мумкин бўлган расмий қарорлар тўғрисида секретариат келишиб олинган доклад тузади. Сўнгра Эйзенхауэр айтдики, Кенгашнинг биринчи кунидаги программада ҳукумат бошлиқларининг иккита мажлисини ўтказиш кўзда тутилган ва эндиги мажлис бугун кундуз соат 3 да бўлади. Бундан кейинги кунларда эрталаб ташқи ишлар министрларининг, кундузи эса ҳукуматлар бошлиқларининг мажлислари ўтказилиб туради. Эйзенхауэр қўшимча қилиб айтдики, агар ҳукуматларнинг бошлиқлари бу тартибни ўзгартиришни истасалар, мутлақо раввантирки, улар истаган вақтларида буни ўзгартиришлари мумкин.

Э. Фор, А. Иден ва Н. А. Булганин ишнинг шу тартибда боришига розилик билдирдилар.

Сўнгра Д. Эйзенхауэр АҚШ делегациясининг бошлиғи сифатида кириш баёнотини берди. Д. Эйзенхауэрдан кейин Франция бош министри Э. Фор сўзга чиқиб, баёнот берди.

Шу блан Кенгашнинг эрталабки мажлиси тамом бўлди.

Кундузги мажлисда Англия бош министри А. Иден ва Совет делегациясининг бошлиғи СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин сўзга чиқиб баёнот бердилар.

Раислик қилучи Д. Эйзенхауэр мажлисни ёпатуриб, бугунги мажлиснинг раиси сифатида менинг қисқача шуҳратли қуним тамом бўлаётир, деган ҳазил сўзларни айтиб, мен бирнеча мулоҳазаларни айтмоқчиман, деди.

— Ҳарқайси делегация,— деди Д. Эйзенхауэр,— дўстона ҳамкорлик руҳида тинчлик иши учун биргаликда меҳнат қилишга ўзининг қат'ий бел боғлаганлигини изҳор қилганлигини катта мамнуният блан қайд қилдим. Ҳали биз ҳарқайси детальдар ва тафсилотлар тўғрисида бирнеча кун ва кўп соатлаб дискуссиялар қиламиз ва ҳарқайси делегация ўз қарашларининг тўғрилигини ва доношмандлигини ҳимоя қилади.

— Битимга келиш мақсадида умумий негиз топмоқ учун ҳарқайси делегация ўз позицияларидан осонлик блан чекинади, деб кутмаслигимиз лозим. Лекин агар биз мана шу тортишувлар вақтида дўстлик руҳини сақлаб қолаолсак, бу блан биз, тинчлик иши учун хизмат қилишни истаймиз, деган гапларимиз самимий гаплар эканлигини ўзимизга ҳам ва бутун дун'ёга ҳам исбот қилган бўламиз ва бизнинг кенгашимиз катта ютуққа эга бўлади. Шу тарика кучи-гайрат сарф қилишимиз туфайли ва шу руҳда ҳаракат қилиб, проблемаларни моҳият э'тибори блан ҳал қилмоқ учун катта муваффақиятларга эришамиз, деб ишонаман, зотан биз шунинг учун ҳам бу ерга ўпланганмиз.

Шу блан мажлис ёпилди.

Қабул қилинган тартибга мувофиқ, эртага тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг эрталаб соат 11 да мажлиси бўлади. Кундуз соат 4 да тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг мажлиси бошланади.

Вьетнам Демократик Республикаси Президенти Хо Ши Мин Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасини бориб кўрди

18 июльда Вьетнам Демократик Республикасининг Президенти ва Бош министри Хо Ши Мин Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига борди. Вьетнам ҳукумат делегациясининг а'золари — Вьетнам меҳнаткашлар партиясининг Бош Секретари Труонг Шин Деҳқончилик ва ўрмончилик министри Нгиен Суан Ием, Ташқи Ишлар Министрининг ўринбосари Унг Ван Хием, Вьетнам Демократик Республикасининг СССР даги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Нгуэн Лонг Банг ҳам Хо Ши Мин блан биргаликда виставкада бўлдилар.

Шу пайтда виставкада бўлган кўп сонли экскурсантлар вьетнамли меҳмонларни қарсаклар блан табриклаб, самимият блан табриклаб, Президент Хо Ши Мин ва делегация а'золари Бош павильони, Грузия ССР, Белоруссия ССР, Украина ССР, Туркманистон ССР, Қирғизистон ССР павильонларини, «СССР қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш» павильонини, «Чорвачилик» павильонини кўриб чиқдилар.

Грузия ССР павильонида вьетнамли меҳмонларни мевалар блан меҳмон қилдилар ва уларга чой ҳамда виноларнинг ҳархил сортларини тортиқ қилиб топширдилар. Президент Хо Ши Мин механизация павильонида шарикоподшипниклар ишлаб чиқариш процессини кўрсатучи экспозицияни жуда қизиқиб тамоша қилди. Меҳмонлар янги қишлоқ хўжалик машиналарини, ҳархил йўлларда юраоладиган «ГАЗ-69» маркали автомобильни, кам литражли янги «Москвич» автомобилини ва ҳархил двигательлар қўйилган стендларни катта э'тибор бериб кўздан кечирдилар.

Туркманистон ССР павильонида Қорақум каналининг трассаси кўрсатилган карта-диорама делегация а'золарининг э'тиборини жалб қилди. Меҳмонлар «Чорвачилик» павильонида махсус тайёрланган чорва молларини тамоша қилдилар.

Президент Хо Ши Мин ва Вьетнам меҳнаткашлар партиясининг Бош Секретари Труонг Шин виставкадан чиқиб кетиш олдидан Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг директори академик П. В. Цицинга ва бошқа ходимларга қизиқтирарли ва ибратли экскурсия учун самимий ташаккур билдирдилар.

Президент Хо Ши Мин ва Вьетнам ҳукумат делегацияси а'золари Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасини кўриб юрган вақтларида уларга СССР Олий Совети Президиумининг секретари Н. М. Пегов, Совет Иттифоқининг Вьетнам Демократик Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. А. Лавришчев, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол бўлими мудирининг ёрдамчиси К. А. Кочетков ҳамроҳ бўлдилар. (ТАСС).

Америка қишлоқ хўжалик делегациясининг СССРда бўлишига доир

Қишлоқ хўжалиги блан танишмоқ учун СССРга келган Америка қишлоқ хўжалик делегацияси Москвада уч кун бўлди. Небраска штатидаги университетга қарашли қишлоқ хўжалик колледжининг декани Уильям Ламберт бошчилигидаги делегация а'золари шу вақт ичида Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси блан танишдилар, пойтахтнинг диққатга сазовор жойларини, Ленинские горидаги Университет биносини бориб кўрдилар, Большой театрда бўлдилар.

18 июльда америкали меҳмонлар Москва областидаги «Луч» колхозини ва «Горки II» совхозини бориб кўрдилар.

Колхоз раиси Т. С. Пряхин делегация а'золарига артельнинг иши тўғрисида гапириб берди. Меҳмонлар унга жуда кўп савол бердилар. Улар артели сабзавотлар етиштириш, чорвачилик фермаларининг иши блан, колхоз маҳсулотини сотиш тартиби ва хўжаликда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби блан қизиқдилар. Сўнгра делегация а'золари колхознинг мол сарайини, молга бериш учун ем-хашак тайёрланадиган хонани, парник ва теплицаларни кўрдилар, яслі ва болалар боғчасида бўлдилар.

Хўжаликни кўриш тамом бўлгандан кейин делегация а'золаридан бири — Жулиус Клайнер «Таассуротлар ёзиладиган дафтар»га қуйидаги сўзларни ёзди: «Делегацияда чор Россиясининг хўжалиги блан таниш бирдан-бир а'зоси бўлганлигим сабабли, мен сизларнинг қилган ишларингизни кўриб қувондим ва таажжубланиш, менда колхозингиз тўғрисида жуда ёқимли таассурот қолди. Колхозчиларингизнинг қувноқ ва беташвиш эканлиги кўриниб турибди».

«Горки II» совхозида делегацияни директор ўринбосари В. М. Доброхотова табриклади. У, совхозда 20 йилдан кўпроқ вақтдан буён ишлаб келмоқда. У, совхознинг иши тўғрисида гапириб берганидан кейин меҳмонларга чорвачилик фермасини, сут заводини, паррандахонани кўрсатди. Паррандахонада айни бир вақтда деярлик 10 минг товуқ боқиб семиртирилмоқда.

Делегация бошлиғи Уильям Ламберт совхоздан жўнаб кетиш олдидан «таассуротлар ёзиладиган дафтар»га қуйидаги сўзларни ёзди: «Горки II» совхозининг ходимларига. Америка делегацияси хўжалигингизни келиб кўрган вақтда олган ёқимли ва ибратли таассуротни хотирида узоқ сақлайди. Биз бу ерда бошқа ҳечқаерда кўриш мумкин бўлмаган жуда серсут сигирлар подасидан бирини кўрдик. Биз сизларнинг паррандаларни боқиш ва тухум етиштириш соҳасидаги ишингизни завқланиб тамоша қилдик. Биз болалар боғчангизни ҳам зўр мамнуният блан кўрдик. Силарни қилаётган катта ишларингиз блан табриклаш мумкин. Биз сизларнинг Америкага боришингизни ва бизнинг хўжаликларимиздан ба'зиларинг кўришингизни таклиф этамиз. Энг яхши истаклар блан: У. Ламберт».

Шу куни кечқурун делегация мамлакат бўйлаб сафарга жўнаб кетди. Делегация колхозларда, совхозларда, МТСларда, тажриба станцияларида, илмий-текшириш институтларида ва қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарадиган ҳамма қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарда бўлади.

Курск вокзалида америкали меҳмонларни СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг вакиллари ва АҚШнинг Москвадаги элчихонасининг ходимлари кузатиб қолдилар. (ТАСС).

СССР Олий Совети Президиумида

18 июльда Кремльда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. Е. Ворошилов ёзучи М. А. Шолоховга Ленин ордени топширди. М. А. Шолохов бадиий адабиёт соҳасидаги катта хизматлари учун ва 50 ёшга тўлганлиги муносабати блан мукофотланган эди.

Ўртоқ К. Е. Ворошилов М. А. Шолоховни қутлаб, у ўзининг талантига муносиб яна бирқанча асар ёзиб берур, деб умид билдирди.

АҚШ Президенти Д. Эйзенхауэр баёноти

Сизларнинг ижозатингиз блан қисқача кириш баёноти бериб ўтаман.

Биз бу ерда жуда олдий мақсад учун тўпландик. Биз қаётди бизни вакил қилиб юборган халқлар учунгина эмас, шу блан бирга, бошқа мамлакатларнинг халқлари учун ҳам бехатарроқ ва бахтлироқ қиладиган тузумнинг асосини топмоқ учун тўпландик.

Бутун дун'ё халқларининг қаттиқ талаби туфайли биз буерга келиб турибмиз, бунги бош министр Булганин бугун биз давлатларнинг сиёсий раҳбарлари тинчликка олиб борадиган йўлни топишлари лозимлиги ҳақида 15 июльда сўзлаган нутқида айтиб ўтган эди.

Жаҳоннинг ҳал этишни талаб қилаётган ҳамма проблемалари бирнеча соат ёки бирнеча кун мобайнида ҳал қилинади деб кутишимиз мумкин эмас. Дарҳақиқат, биз-лар, шу конференциянинг тўрт қатнашчиси бизнинг ҳатто шундай қилишга ўринишимизни оқлайоладиган ваколатларни бошқалардан олганимиз йўқ. Урушларда, конфликтларда ва тарихда шу проблемалардан кўпининг чуқур томирлари бор. Идеологияларда ва интилишларда бўлган тафовутлар орқасида аҳвол яна ҳам кўпроқ қийинлашади. Буерга тўпланган ҳукумат бошлиқлари ихтиёрида бўлган қисқа вақт ичида шу проблемаларнинг келиб чиққанига нималар сабаб бўлганлигини аниқлаш ва шу сабабларни ҳаммага нисбатан бегараз йўқотаоладиган усулларни топиш мумкин эмаслиги аёндир.

Брок, биз оқилона равишда шундай рух вужудга келтиришимиз мумкинки, бу рух зиммамиздаги мас'улият доирасида бўлган проблемаларни келгусида ҳал қилмоқ учун имконият беради. Яна шу нарса ҳам муҳимдирки, биз буерда, Женевада адолатли мустаҳкам тинчликка олиб борадиган янги йўлда биринчи қадам қўйдик.

Бизни қизиқтираётган проблемалар ўз моҳияти э'тибори блан ҳал қилиб бўлмайдиган проблемалар эмас. Албатта, бу проблемалар қийин проблемалардир, лекин улар инсоният ақли ҳал қилиши мумкин бўлган ишдир. Бу проблемалар қўрқув, ишончсизлик ва ҳатто душманлик шароитида, ҳарбир қадам ўйлаб қўйилаётган ва ҳарбир қадамни қўйишда — шу қадам душманни заифлаштиришга ёрдам беармикин, деб фикр қилинаётган шароитда, ҳал қилиб бўлмайдиган проблема бўлиб кўринади. Агар шундай шароит ўзгартириладиган бўлса, у ҳолда кўп иш қилиш мумкин бўлади. Шундай шароитда мен аминманки, кейинроқ босқичда бизнинг ташқи ишлар министрларимиз проблемаларимизни ҳал қилмоқ учун ё ўзлари, ёки бошқалар блан биргаликда бизларнинг ишимизни давом этдираоладилар.

Шу нарса шак-шубҳасиздирки, фалсафий э'тиқодларда халқларимиз ўртасида тафовутлар бор, бу тафовутларни кўп жиҳатдан асло келиштириб бўлмайди. Биз ҳарқанча гапирсак ҳам, буерда қанча иш қилсак ҳам — буни ўзгартириб бўлмайди. Брок, одамларнинг биргаликда ишлайдиган бўлишлари учун уларнинг бирхилда ўйлайдиган бўлишлари ва бирхилдаги э'тиқодга ишонишлари ҳамма вақт ҳам шарт эмас. Энг муҳими шуки, ҳечбир кимса ўз э'тиқодларини тантана қилдиришга ва шу тарика бу э'тиқодларни истамаган кишиларга ўз системасини қабул қилдиришга куч ёки мажбурлик блан уринмасин.

Бу конференцияда масалани ҳал қилишнинг янги йўлини топишимиз лозим. Аммо бу йўлни фақат абстракт ва умумий мулоҳазалар юритиш блан топиш мумкин эмас. Бизларнинг ўртамизда кескинлик туғдираётган конкрет проблемалар тўғрисида ва шу проблемаларни ҳал қилишга қай тарика киришиш тўғрисида оппкора гапиришимиз лозим.

Сўзбоши тарикасида менга ҳал этилиши лозим бўлган ба'зи масалаларни кўрсатиб ўтишга ижозат берингиз.

Биринчи масала — Германияни қайта бирлаштириш ва эркин сайловлар асосида умумгерман ҳукумати вужудга келтириш проблемасидир. Германия блан яраш бўлганидан бери орада 10 йил ўтди, лекин Германия ҳали ҳам парчаланган ҳолда қолиб келмоқда. Бу парчаланиш шундай ёмон бир нарсадирки, бу нарса бошқа халқлар сингари умумий тақдирга эга бўлиш ҳуқуқи бўлган халққа жиддий зарар стказмоқда. Бу парчаланишнинг давом этаётганлиги Европадаги беқарорликнинг асосий манбаини вужудга келтирмоқда. Тинчлик тўғрисида гапириш блан бир вақтда тинчликни хавф остида қолдираётган шароитни абадийлаштириб турар эканмиз, тинчлик тўғрисида айтаётган гапларимиздан ма'но чиқмайди. Германияга нисбатан тўртталамизнинг зиммамизда алоҳида мас'улият бор. Биз буерда чиқаришимиз мумкин бўлган хулосани бутун Германиядаги кўпчилик қўллаб-қувватламаса, биз чиқарган ҳарқандай хулоса ҳақиқий хулоса бўлолмайди, шунинг учун ҳам бу проблема шу ердаги музокараларимизнинг асосий масаласи бўлиши лозим. Бу проблемани тез ва адолатли ҳал қилмоқ учун буни ҳал қилиш йўлларини кўриб чиқишимиз лозим эмасми.

Узоқ давом қиладиган тинчлик манфаатларини кўзлаб бу проблемани ҳал қилганимизда манфаатдор барча томонларнинг хавфсизлигига доир қонуний манфаатлар ҳисобга олиниши лозим. Шу сабабли биз, бирлаштирилган Германия ўзига хос бўлган ўз-ўзини коллектив мудофаа қилиш ҳуқуқини ўз ҳоҳиши блан амалга оширишга ҳақлидир, деб қат'ий қилиб айтамиз. Яна шу мулоҳазаларга кўра, биз Совет Иттифоқи хавфсизлигининг қонуний манфаатларини ҳисобга олишга ҳам тайёрмиз. Париж битимларида шу мақсадларга хизмат қиладиган кўпгина моддалар бор. Биз барча манфаатдор томонларнинг хавфсизлигига мос келадиган, оқилона, амалий ўзаро гарантияларни янада кўриб чиқишга тўла равишда тайёрмиз.

Анча кенгроқ планда олиб қараганда халқларнинг бошқарув формасини танлаш ҳуқуқини ҳурмат қилиш ва суверен ҳуқуқларидан ҳамда ўзини бошқаришдан маҳрум этилганлар учун шу суверен ҳуқуқларни ва ўз-ўзини бошқаришни қайта тиклаш проблемаси бор.

Америка халқи аминдирки, Шарқий Европадаги ба'зи халқлар уруш вақтида бизнинг Бирлашган Миллатлар э'лон қилган декларациянинг не'матларидан фойдаланиш имкониятини ҳали ҳам олганлари йўқки, шу халқларнинг кўпи миллат бўлиб яшашнинг узоқ муддат давом қилган шонли тарихига эгадир.

Халқларимиз ўртасида алоқа ўрнатиш ва ма'навий муносабатлар проблемаси бор. Очиғини айтганда, биз бутун-бутун халқларни ташқи дун'ёдан ажратиб қўйган вазиятнинг оқибатларидан хавотирдамиз. Америка халқи совет халқининг дўсти бўлишни истарди. Америка халқи блан совет халқи ўртасида низо'лар йўқ, улар ўртасида жанжаллар йўқ, савдо душманчилиги йўқ. Тарихий жиҳатдан бизнинг халқларимиз ҳамиша тотув бўлиб яшаб келганлар. Лекин ҳозирги вақтда алоқа ўрнатишга тўсқинлик қилаётган сун'ий ғовлар сингари ғовлар мавжуд бўлган тақдирда халқлар ўртасидаги дўстона ҳамжиҳатлик осонлик блан ривожланмайди. Тўп-замбараклардан, қонунлардан, қарорлардан иборат бўлган ҳамма пардаларни очиб қўйиш пайти келди. Буни фақат ўзаро ҳурмат ва ишонч вазиятидагина қилиш мумкин.

«Халқаро коммунизм» проблемаси бор. Унинг фаолияти Совет Иттифоқи блан бошқа халқлар ўртасидаги муносабатларни 38 йилдан бери бузиб келмоқда. Унинг фаолияти ишонтириш йўли блан ҳаракат қилиш доирасида чекланмаган. У бутун дун'ёда қонуний ҳукуматларни қўпориб ташлашга ва халқларни ажнабий ҳукмронлик остига олишга уринмоқда. Бундай фаолиятни қўллаб-қувватлаш туфайли вужудга келтирилаётган ишончсизликка э'тиборсизлик блан қарашимиз мумкин эмас. Бошқа мамлакатларда бўлгани каби, менинг мамлакатимда ҳам бу фаолият ишончсизлик ва, бинобарин, халқаро кескинлик тугилишига йўл очмоқда.

Ниҳоят, шуларнинг ҳаммасидан ҳам зўрроқ бўлган қуролланиш проблемаси бор. Бу айни бир вақтда ҳозирги кескинлик ва ишончсизликнинг натижаси ва сабабидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг асосий мақсадларига хилоф равишда ҳозирги вақтда қурол-яроғлар инсоният куч-гайратининг анча қисмини ижодкорлик меҳнатидан ажратиб, унумсиз мақсадларга йўлламоқда. Биз бунга хотима беришни истар эдик. Лекин, афтидан, ҳужум бўлишдан қўрқиб, ҳечким бунга жур'ат қилмаётир.

Тўсатдан бўладиган ҳужум шу дамгача инсоннинг бошига тушиб келган вайронликларнинг ҳаммасидан ҳам ёмонроқдир. Шу сабабли, ҳарбиримиз бундай ҳужумни даф' қиладиган воситалар бўлиши мутлақо зарур деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун, тўсатдан қилинадиган атакалар тарзида ёки келишилган чеклашларни махфий равишда бузишлар тарзида даҳшатли сюрпризлар бўлмаслиги учун ҳарбий установкаларни кузатиб туриш ва инспекция қилиб туришнинг қулай йўлини — биринчи қадам сифатида — излаб топиш воситаси ҳам қурол-яроғларни чеклаб қўйиш проблемасига яқинлашиш яхшироқ бўлмасмикин, деган масалани кўриб чиқсак менингча тузукроқ бўлар эди. Бу соҳада самарали ўзаро инспекция проблемасидек ўткир ва асосий проблемани биргаликда кўриб чиқишимиздан кўра муҳимроқ иш бўлмаса керак. Бундай система чинакам қуролсизланиш учун асосдир.

Биз шу нарсани эсда тутишимиз керакки, қимматга тушадиган қурол-яроғлар халқларимизни янада юксакроқ турмуш даражасидан маҳрум қилибгина қолмасдан, шу блан бирга, кам тараққий қилган районлардаги халқларни ўз тақдирларини яхшилаш воситаларидан ҳам маҳрум қилади. Шу районларда жаҳондаги аҳолининг катта қисми яшамоқда ва кўпгина халқлар ҳозирги вақтда сиёсий мустақиллик йўлига биринчи марта қирмоқдалар. Улар иқтисодий ўсишнинг жечиктириб бўлмайлиги проблемасига дуч келмоқдалар. Улар жаҳоннинг кўпроқ тараққий қилган халқларидан нормал ёрдам олган бўлур эдилар, айниқса экономиканинг асосий тармоқларини ривожлантирмоқ учун нормал ёрдам олган бўлур эдилар. Брок, бу нормал процессни шу факт жиддий даражада сусайтириб юбормоқдаки, саноат жиҳатидан анча тараққий қилган мамлакатлар ўзларининг ишлабчиқариш соҳасидаги куч-гайратларидан анчагина қисмини қуроллашишга сарф қилмоқдалар. Қурол-яроғларни камайтириш бунинг натижасида тежалган маблағларнинг бир қисмини жаҳонда камроқ тараққий қилган районларнинг иқтисодий тараққиётига ёрдамлашмоқ учун шу районларга сарфлашни та'миналган бўлур эди ва та'миналши лозим.

Бундан ташқари, атом энергиясидан конструктив мақсадларда фойдаланишга ёрдамлашмоқ учун куч-гайрат сарфлашимиз лозим. Парчаланучи материаллар запаси бўлган халқлар бирлашиб, «жаҳон банкига» ўз қиссаларини қўшсинлар ва шу тарика ялпи қирғин воситалари — яратиш соҳасидаги рақобат инсоният бахт-саодати йўлида бўладиган ҳамкорлик блан тобора кўпроқ алмаштирилсин, деб 1953 йил декабрь ойида биз томондан қилинган таклифни Совет Иттифоқи қабул қилмаганлигига афсусланамиз. Ҳали ҳам биз ҳаммамиз, агар Совет Иттифоқи ўз имкониятларига яраша бу улуг проектни рўёбга чиқаришга ёрдам берса, бу иш халқаро вазиятни яхшилайди, деб ҳисоблаймиз.

Мен Кенгашдаги бу биринчи баёнотимда мени ва Қўшма Штатлар халқини машғул қилаётган проблемаларнинг ба'зиларини жуда қисқача айтиб ўтдим, бу проблемаларнинг ҳал қилиниши бизларнинг тўрт жиҳатдан боғлиқдир. Ишимиз давом этган сари шу проблемаларни ҳал қилиш йўлларини топишга қандай қилиб ёрдамлашишимиз мумкинлиги ҳақида ҳаммамиз ўз таклифларимизни айтурмиз, деб умид қиламан.

Балки, агар ҳарқайсимиз ўз мамлакатининг нуқтаи назарини шу тарика навбат блан баён қилиб берса фойдали бўлур эди. Бу тақдирда биз буерда муҳокама қилиш фойдали бўлган масалаларнинг ҳажми тўғрисида дарҳол тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин бўлади, биз ҳам шунга яраша ўз вақтимизни планлаштирган бўлур эдик.

Менга тақрорлашга ижозат берингиз. Ишонаманки, биз ўртамиздаги келишмовчиликларни санаб чиқиш учунгина бу ерга тўпланганимиз йўқ. Кейинги 10 йил мобайнида олиб борган музокараларимизнинг катта қисми учун характери бўлган кўнгилсиз гапбозликни тақрорламоқ учун буерга келганимиз йўқ. Биз инсониятнинг тинчликка эришиш истакларига мувофиқ, бизнинг дипломатиямизга янги руҳ киритадиган муҳокамани бошламоқ учун ва яхши ишонолари кўриниб турган шароитда янги музокаралар бошламоқ учун бу ерда тўпланиб турибмиз.

Заруратан қисқа бўлган бизнинг бу учрашувимиз шундай йўл блан ва, эҳтимолки, фақат шундай йўл блан бизларни, ҳақиқатан ҳам тинчлик йўлидан олиб чиқмоқ учун зарур бўлган янги кучларни яратиш ва ҳаракатга келтириш ишига хизмат қилиши мумкин. Бутун инсоният худодан шуни тилаб дуо қилаётир, мен бунга аминман.

Франция Бош Министри Э. Фор баёноти

Жаноблар,

Бизнинг Кенгашимиз бутунлай алоҳида характердаги кенгашдир. Шу кунгача бизлардан ҳечким қолган уччаламиз блан ҳатто алоҳида бўлса ҳам учрашмаган эди.

10 йил мобайнида ҳукуматларнинг бошликлари ўртасида биронта ҳам бу хил кенгаш бўлматан эди.

Ана шу ўнйиллик давр ичида «совуқ муносабатлар уруши» деган нарса авж олди. Бизнинг Кенгашимиз тарихдаги ана шу алоҳида даврга ва, демак, — «совуқ муносабатлар уруши»та барҳам берини мумкин. Халқлар худди ана шуни умид қилмоқдалар. Халқларнинг умидини рўёбга чиқариш бизнинг бурчимиздир.

Брок, бу вазифа нақадар катта, кенг ва қийин бўлмасин, бизнинг олдимизда фақат шу бир вазифагина турааё'гани йўқ. Бизни важил қилиб юборган давлатлар бундан 10 йил илгари тинчликни ташкил қилиш, дун'ёдаги ҳайрли ишлар йилида ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш ниятида эканликларини билдиргандилар.

Бундан кейин юз берган воқиалар ана шу рухни узоқ вақт ҳимоялаштириб кўйди, бу проектларнинг амалга оширилишини тўхтатди. Мен атайин бу нутқимда бу воқиаларни шарҳлаб турмайман ва бировнинг мас'улиятига тегиб ўтадиган ҳечнарсани айтмайман, чунки мен, бу хилда шахсиятга тегиш биргаликда қилаётган ишимизга путур етказган бўлур эди, деб ҳисоблаймаман. Агар биз ҳозирги вақтда кескинлик даврига барҳам бераолсак ва илгариги бошланғич нуқтамизга қайта олсак, у вақтда биз 1945 йилда муҳим деб, шунингдек кўлган келаётган иш деб ҳисоблаган умумий перспективани яна топиб олаоламиз.

Совуқ муносабатлар урушига хотима берилсин.

Тинчлик ва давлатлар ўртасида тотув ҳамкорлик ташкил қилинсин.

Иккита катта аспект ана шунақа, ана шу аспектлар муносабати блан бизнинг олдимизда шу кунда проблема ва вазифалар кўндаланг бўлиб қолади. Бу аспектлар бири-бирини тўлдиради ва бири-биридан ажралмайди.

Халқаро кескинликнинг мавжуд сабабларини бир-биридан ажратиб, ёки ул

Тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг Женева кенгашида

Э. Фор баёнотининг охири

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Агар биз ўзаро, тўртталамиз, муайян масала юзасидан эҳтимол тутилган тинч фаолиятга бўлган умумий интилишни ўз зиммамизга бўлиб олаолсак, у вақтда ҳамма нарса анча енгиллашади.

Мен бу нутқимнинг биринчи қисмида совуқ муносабатлар уруши ва халқаро кескинликка барҳам бериш проблемасини, иккинчи қисмида — тинчликни ушлаб қолишга доир умумийроқ характердаги проблемани кўздан кечирмоқчиман. Бу жуда кенг соҳа. Аслда ҳозирги кескинликка доир бўлган биринчи қисм асосан Германия проблемасига бағишланади.

Тинчликни ташкил қилишга доир бўлган иккинчи қисм қуролсизланишга бағишланади.

Назаримда, муҳокама бу икки масала билан тугамайди. Лекин агар биз ана шу икки масалани ҳал этсак, у вақтда биз, шубҳасиз, узоқ йўлдаги энг қийин этапни босиб ўтган бўламиз.

СОВУҚ МУНОСАБАТЛАР УРУШИГА ХОТИМА. ГЕРМАНИЯ ПРОБЛЕМАСИ

Мен, тафсилотига берилмасдан, аввало экономика, маданият ва информация соҳасида кўрсатилаётган янги ташаббуслар нинг мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтишни истар эдим.

Дун'ёнинг блокларга бўлиниб кетганлиги тўғрисидаги мавжуд таассуротга фақат давлатлар ўртасидаги муносабатларгина сабаб бўлган эмас. Бу таассурот халқлар ўртасидаги муносабатларга тўсқинлик қилаётган қийинчиликлар, я'ни асосан товарлар, капитал, идеялар ва янгиликлар циркуляциясига тўсқинлик қилаётган қийинчиликлар билан ҳам тасаввурланиб ва мустаҳкамланиб келмоқда.

Европадан ҳақиқий демаркация линияси ўтади. Шарқий Европа ва Ғарбий Европа бор. Турли мамлакатлар ўртасидаги алоқа қийин ва камдан-кам. Бу, традицион йўллар мавжуд бўлган ва географик жиҳатдан бир-бирига яқин турган жойларда худди ана шундай.

Менинг фикримча, экономика, маданият ва информациядан иборат бу уч соҳада бизнинг куч-қувватимиз ўзаро эркин ва бемалол алоқа қилиб туришни ўрнатишга ёки тиклашга қаратилиши керак. Агар биз бу масала юзасидан принципиал қарор қабул қилсак, у вақтда бизнинг экспертларимиз бу қарорни бирқанча амалий таклифларда гавдалантиришлари мумкин, биз бу таклифларни ё ўзимизнинг тегишли компетенцияларимиз доирасида амалга оширишимиз, ёки бошқа этапларда тобора зўр обрў блан тавсия қилишимиз мумкин. Умумий розилик блан ҳарбиримиз фурсати келганда ўз обрўси блан та'сир қилаверади.

Европадан ўтган демаркация линияси Германияни ҳам кесиб ўтади. Шарқий Германия ва Ғарбий Германия бор. Айни ҳолда гап фақат қулайликларнинг йўқолиб кетганлиги ёки масалаларни ҳал этиш чигаллашиб қолганлиги тўғрисидагина бораётгани йўқ. Қит'анинг бўлинганлиги абстракт бир нарса бўлса ҳам, Германиянинг бўлиниб кетганлиги даҳшатли бир фактдир.

Германиянинг ҳозирги аҳволи халқаро кескинликнинг сабаби эмас; бу ҳол муайян даражада халқаро кескинликнинг оқибатидир. Лекин бу—ана шу кескинликка доимий характер беришга мойил бўлган сабабдир; ана шу кўрсатилган аҳвол «юмшатиш» деб аталган нарсани ривожлантиришга гов бўлиб келади.

Менинг чин фикрим шуки, агар Германия проблемаси ҳал қилинмаса, ҳатто бошқа соҳада бирор яхши иш қилинган тақдирда ҳам, халқаро ҳаётни чинакам уйғунлаштириб олиб бориш мумкин бўлмайди.

Биринчи масала:

Германия қайтадан бирлаштирилиши керакми? Шубҳасиз, керак.

Герман давлатининг доимо икки қисмга ва халқининг икки группага бўлинган ҳолда қолишини оқлайоладиган бирорта ҳам асосли мулоҳаза, на сиёсий, на иқтисодий, на социал, на бошқа бирор мулоҳаза йўқ.

Бунинг устига, мен буерда вакиллари бўлган давлатлар Германиянинг бирлигини ёқлаб чиққанликларини та'кидлайман.

Гарчи бу давлатлар ана шу бирлаштиришни амалга оширишда танлаб оладиган усулларда, ёхуд бу фактдан келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларда бошқа-бошқа фикрда бўлсалар ҳам, лекин принципда келишмовчилик йўқ.

Иккинчи масала:

Бирлаштиришни қай тарзда амалга ошириш керак?

Назаримда, процедурани белгилаш ҳақиқатда жуда муҳим ҳам эмас, жуда қийин ҳам эмас.

Иден плани ўзининг асосий белгиларда, —сайлов — умумий ҳукумат—сулҳ шартномаси,— қат'ий логикага жавоб беради, лекин уни ҳамма тафсилотларда қўл тегизиб бўлмайдиган бир нарса деб ҳисоблаб бўлмайди.

Мен шу фактни соғлом ҳақиқат деб ҳисоблайманки, агар бизларнинг тўртталамизда ҳам Германияни қайтадан бирлаштириш истаги бўлса, у вақтда буни қандай усулда амалга ошириш ҳақидаги масалалар бизга халақит бераолмайди.

Ҳарбир нарсанинг моҳиятини кўра билиш керак, худди ана шу нарса бизларни учинчи масалага олиб келади.

Учинчи масала:

Германияни қайтадан бирлаштириш ҳавфсизлик проблемасини кўндаланг қилиб қўядими? Чинакам дискуссия, бирдан-бир, ҳақиқий дискуссия худди ана шу асосда ўтиши лозим. Совет Иттифоқи ҳақиқатан ҳам ана шу ҳавфсизлик мулоҳазаларини асос қилиб, бошқа уч давлат қабул қилган тезисни рад этди; шунингдек худди ана шундай ҳавфсизлик мулоҳазалари блан Қўшма Штатлар, Англия ва Франция эса Совет Иттифоқи тақдим этган таклифни рад этилар.

Бироқ, Германиянинг бўлиниб кетганлиги ўз-ўзидан ҳаммаларнинг ҳавфсизлигини гарантия қилади деб кечиким ҳечқачон да'во қилган эмас.

Бинобарин, Германияни қайтадан бирлаштириш ҳозирги вақтда кўнгилдаг бўлиб турган ҳавфсизлик программасини қай даражада ва қандай тарзда ўзгартироолади деган масала туғилади.

Бунга жавоб бермоқ учун, қайтадан бирлаштирилган Германиянинг статути ҳарбий нуқтаи назардан қандай бўлажагини белгилаб олиш керак.

Буерда биз **тўртинчи масаламизга** келамиз. Бу масала иккита жиҳатдан масалага бўлинади:

1) Германияни бетараф қилиб қўйиш мумкинми?

2) Агар мумкин бўлмаса, унинг аҳволи қандай бўлади?

1. Германияни бетараф қилиб қўйиш

Шундай таклиф тушган эди. Бу таклиф Германияни бетараф қилиб қўйиш тинчликни гарантия қилади деб ҳисобловчи ба'зи кишилар учун масалани соддалаштириб қўяди. Бошқа бировлар эса, аксинча, бетараф қилиб қўйилган Германия кучлар вакуумини ташкил этар ва конфликт хавфини кучайтирар эди, деб ҳисоблайдилар.

Фикримча, Германияни бетараф қилиб қўйиш мумкин эмас ва бетараф қилиб қўйилмаслиги лозим, бунинг учун қуйидаги мулоҳазаларни келтириш мумкин:

а) Халқаро ҳуқуқ жиҳатидан айтайлик сулҳ шартномаси блан суверенитетини ва ўз ҳуқуқларини яна қайтиб олган мамлакатга уни камситадиган ва мажбур этадиган тарзда муомала қилиш мумкин эмас.

б) Уруш давридаги жавобгарлиги юзасидан санкция (жазо) сифатида бетараф қилиб қўйишни кўзда тутилганда, бу нарса иттифоқчиларнинг тезисини рад қилиш бўлур эди, иттифоқчилар бу жавобгарликни герман халқининг ўзига эмас, нацистлар давлатига юклаган эдилар. Бу жавобгарликни герман халқига юклаш герман халқининг манфаатларига хилоф суратда идеологик императив ва иркчилик принципини э'тироф қилиш бўлур эди, ҳолбуки, биз, аксинча, бу принципни фош қилдик ва унга қарши курашдик.

в) Бунинг устига, урушган бошқа томонларга нисбатан бунга ўхшаган ҳечқандай чора кўрилмади.

г) Бетарафлаштириб қўйишга қарши ҳуқуқий тарздаги мулоҳазалардан ташқари яна фактик мулоҳазалар ҳам бор.

1) Агар герман халқи шубҳа остига олиб туғиладиган бўлса, у вақтда аламзодалик, кек сақлаш ёки реванша интилишдан иборат миллий комплексни келтириб чиқариш хавфи бор.

е) Бетараф бўлишга мажбур этиш ва бетарафликка қандай риоя қилинаётганлигини контроль қилиб туриш учун зарур бўлган механизмларни моддий ва ма'навий жиҳатдан кўзда тутиш ҳамда қўлланиш мумкин бўлмас эди.

ж) Шуни айтиб ўтиш мумкинки, ҳозирги вақтгача бетарафликни фақат кичик давлатлар қўлланиб келди, бунинг устига, улар буни ўзлари хоҳлади. Катта территорияга, алоҳида географик аҳволга ва катта аҳолига эга бўлган Германия каби давлат учун бетарафлик мумкин эмас.

2. Модомики, Германияни бетараф қилиб қўйиш шу тарзда рад этилган экан, қайтадан бирлаштирилган бу мамлакатнинг режими ҳарбий кучлар нуқтаи назаридан қандай бўлади?

Мен ўз томонимдан шундай гипотезага амал қилмоқдаманки, бунга биноан, қайтадан бирлаштирилган Германия аввалгича Ғарбий Европа иттифоқи ва НАТО (Шимолий атлантик иттифоқи.— **Редакция**) системасига кираверади. Назаримда бу гипотеза ҳуқуқий жиҳатдан ҳам, шунингдек фактик нуқтаи назардан ҳам эҳтимолга энг яқинидир.

Бундай ҳолда, ҳавфсизлик тўғрисидаги масалани Совет Иттифоқининг нуқтаи назаридан кўриб чиқиш керак, чунки ғарбий давлатлар, афтидан, бунда бирор ярамайдиган нарса бор, деб қарамасалар керак.

Бешинчи масала:

Германиянинг қайтадан тикланиши СССРнинг ҳавфсизлигига таҳдид қиладими? Агар таҳдид қилса, у вақтда гарантиялар ва тинчитиш тадбирлари кўзда тутилиши мумкинми?

Менинг шахсий нуқтаи назаримда Ғарбий Европа иттифоқида ва НАТОда қоладиган Германиянинг қайтадан бирлаштирилиши асло ҳавфсизликни бузадиган фактор эмас ва ҳавфни асло кучайтирмайди.

Ҳақиқатда бу битимлар нуқул мудофаа характерига эгадир ва, иккинчи томондан, бу битимнинг қурол-яроғларни чеклаш ва ошкора қилиш блан боғлиқдирки, булар Германияга нисбатан татбиқ қилинади. Мана бундай шароитда ҳечким учун ҳавфхатар кучаймайди, шу блан бирга кескинликнинг сабаби тугатилади.

Лекин мен э'тироф қиламанки, бизнинг йиғилишимизда ҳарбий қиши проблемаларнинг фақат ўз шахсий нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши учунгина зўр бермасдан, балки ўзини бошқа томонлар ўрнига ҳам қўйиб кўриши керак.

Мен шуни ҳам э'тироф қиламанки, Совет Иттифоқи ўз ҳавфсизлиги ҳақида ўз фикрига эга бўлиши мумкин ва бу фикр мен бу масала юзасидан жуда астойдил ифодалаб берганимга кўра анча талабчан бўлиши мумкин. Шундай қилиб, менинг томонимдан қўйилган саволнинг жавоби об'ектив жавоб бўлиши мумкин эмас; бу—ўзидгни энг манфаатдор давлатлар ўрнига қўйиб излаш керак бўлган суб'ектив жавобдир.

Ана шу нуқтаи назардан, Германиянинг қайтадан бирлаштирилиши ғарб битимлари системасида қатнашаётган мамлакатнинг умумий потенциалини кўпайтирган бўлур эди ва шундай қилиб, ғарбий система ихтиёридаги потенциални кўпайтиришга олиб келган бўлур эди. Лекин бундай натижа муқаррардир; шундай қилиб, масала шу йўсунда турадики, мана бундан келиб чиқадиган хавф деб оталадиган нарсани камайтириш ёки тугатиш ва юз беришн мумкин бўлган ташвишларни йўқотиш мумкинми.

Мен ҳозирги вақтда бу ҳақда фақат бирнеча мулоҳаза ва истакларни ифода қилиб бераоламан.

1) Даставвал, потенциалнинг бу хилда кўпайиши нуқул ҳарбий потенциални кўпайтириш блан боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Бунинг учун Ғарбий Европа иттифоқида кўзда тутилган чеклашларни сақлашга розн бўлишимиз кифоядир. Бошқача қилиб айтганда, Германия умуман олганда қайтадан бирлаштирилгандан кейин Германиянинг Ғарбий Европа иттифоқига кирган учдан икки қисми эга бўлганига қараганда каттароқ кучларга эга бўлмас эди.

2) Иккинчидан, ғарбий давлатлар бу битимларнинг мудофаа характерига эга эканлигини тегишли бўлган ҳамма воситалар блан та'кидлашга тайёр бўлмоқлари лозим.

Ана шу руҳда мен шундай деб таклиф киламанки, ғарбий давлатлар бевосита Совет Иттифоқи блан Париж битимларида кўзда тутилган мажбуриятларни ўз ичига оладиган битим тузсинлар, бу мажбуриятлар куч ишлатишда айбдор бўлган ҳарбир ҳукуматни Шимолий Атлантик шартномасида кўзда тутилган гарантиялардан ва ҳарбий ёрдамдан маҳрум этади.

Иккинчи томондан, Париж битимларида Федерал республика ҳукуматининг Германиянинг чегараларини тиклаш ва ўзгартириш мақсадида куч ишлатмаслиги ҳақидаги декларацияси ма'лумотга олинган.

Мана бу мажбурият СССРга нисбатан ҳам олиниши керак.

3) Учинчидан, мен, Германияни умумий ҳавфсизлик ташкилотига жалб қилишни кўзда тутишимиз керак, деб таклиф этаман. Бу ташкилот Европадаги ҳамма давлатларга, я'ни шу ташкилотга киришга розн бўлган ҳамма давлатларга жорий қилиниши мумкин бўлур эди. Бу ташкилот мавжуд мажбуриятлардан ташқари яна янги мудофаа мажбуриятларини ҳам юклаталолур эди.

Масаланинг мана бу хилда ҳал этилиши ҳамма манфаатдор давлатларни қаноатлантиради.

— Германияга икки томонлама чеклаш юклатилади, лекин бу хил чеклаш асло камситиш характерида бўлмаслиги лозим.

Ғарбий давлатлар ўзлари имзолаган битимларни ва ўзлари тузган органларни сақлайдилар.

— Совет Иттифоқи Ғарбий Европа иттифоқи системаси берган гарантияга қараганда бошқача гарантиядан фойдаланади, чунки Совет Иттифоқи Ғарбий Европа иттифоқи берган гарантияга бирмунча ишончсизлик блан қараши мумкин.

— Келгусида бу иккала ҳавфсизлик системаси бир бутун бўлиб қўшилаолади деб ўйлашга ҳечким тўсқинлик қилаолмайди. Ўша вақтда бу бирлашган системага айни бир вақтда Шарқий Европада тузилган ташкилот ҳам кириши мумкин.

Мен шуни эслатиб ўтишим керакки, Германияни ўз ичига олган умумий Европа ҳавфсизлик ташкилоти, мен айтган фикр амалга ошмай қолганда, я'ни Германия Ғарбий Европа иттифоқида қолмаган тақдирда, айниқса фойдали бўлади.

* * *

Мен баён қилиб берган мулоҳазалар нуқул эскиз характеридадир. Бошқа таклифлар тақдим этилиши мумкин. Назаримда қуйидаги уч принципнинг аҳамиятини э'тироф қилиш муҳим бўлса керак:

1) Германия қайтадан бирлаштирилиши лозим.

2) Германияни бетараф қилиб қўйиш мумкин эмас.

3) Ҳарбир давлатнинг ўз ҳавфсизлиги тўғрисидаги қонуний ғамхўрликлари жуда э'тибор блан кўриб чиқилиши лозим ва дастлабки икки принципга мувофиқ бўлган ҳамма гарантиялар берилган бўлиши лозим.

II. ТИНЧЛИКНИ КОНСТРУКТИВ РАВИШДА ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Қуролсизланиш.

Қуролсизланиш масаласи умумий тинчликни ушлаб қолишнинг марказий масаласи бўлиб турипти.

Қуролсизланишга узоқ вақт давомида утопия деб қаралиб келинди.

Шу кунда давлат арбобларининг виждони ва жамоатчилик фикрининг хароб қилучи янги техника олдида ҳавфсираб қолиши ва скептицизмни чекинишга мажбур этди.

БМТ кичик комиссиясида бу масалани ўрганиш юзасидан олиб борилаётган иш анча прогресс борлигини кўрсатди. Назаримда, қуролли кучларнинг ва қурол-яроғларнинг сони ҳақидаги қат'ий рақамларни белгилаш тўғрисидаги битим яқинлашиб қолган бўлса керак. Лекин биз ҳали иккк асосий ғовдан қандай ўтиш: контроль ва санкцияни қандай ҳал этиш мумкинлигини кўрмаётирмиз.

Ҳарбир мамлакат ичида катта доираларга сочилиб кетган ёки ниқобланган ҳарбий воситалар устидан ташқариги ҳокимият номидан контрольни қандай қилиб амалга ошириш мумкин.

Башарти ўшандай контрольни ўрнатишга муваффақ бўлинган тақдирда, бу контроль аниқлаши мумкин бўлган нуқсонларга нисбатан санкция қандай қилиб амалга оширилади?

Бу хил процедура ана шу мақсадда махсус тузиладиган контракт доирасидагина кўзда тутилиши мумкин. Кенгроқ мақсадларга ва етарли структурага эга бўлган халқаро ташкилот доираларидагина қуролярогларни эффектли равишда чеклаш мумкин.

Бу ерда гап Ғарбий Европа иттифоқи сингари ҳарбий ташкилот тўғрисида бориши мумкин.

Шунингдек гап иқтисодий ташкилот тўғрисида бориши мумкин. (Чунки қуролсизланиш — бу нуқул ҳарбий масалагина эмас).

Биз худди ана шу йўлда ҳозиргача ҳал этиб бўлмайдигандек кўринган қийинчиликларни ҳал этаолишимиз мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, бизни важил қилиб юборган тўрт давлатни умумий стратегик воситаларга эга бўлган ташкилотда бирлаштириш ҳозирги вақтда мумкин бўлиб кўринмайди. Аксинча, назаримда иқтисодий ва социал манфаатларда ҳамкорлик ўрнатиш мумкин бўлиб кўринади.

* * *

Иқтисодий ташкилот ҳарбий қуролсизланишни қандай та'миналаши мумкин?

Бунинг учун қуролсизланиш ҳақидаги масаланинг тўлиқ аҳамиятини тушуниб олиш ва унга традицион негатив аспектда эмас, балки бу масаланинг зарур қўшимчаси бўлган позитив аспектда қараш керак.

Қуролсизланиш проблемасини қуролсизланиш натижасида ҳосил бўладиган имкониятларни тинчлик мақсадларига кўчириш проблемаси блан боғлаш керак.

Самарасиз харажатларни самарали харажатларга кўчиришни бир давлат ичидаги алоҳида доираларда амалга ошириш қийин, чунки ҳавфсизликка баҳо бериш унинг ўзига боғлиқ эмас. Аксинча, коллектив ҳавфсизлик мавжуд бўлганида уни кўчириш мумкин бўлади, чунки коллектив ҳавфсизлик мудофаа харажатларини камайтиради.

Ҳарбий потенциалнинг ҳарқандай қисқартирилиши эркин бюджет кредитларини ва ишлабчиқариш воситаларини вужудга келтиради, бу кредит ва воситалар ҳарбир фурсатга қараб иш соатлари, энергия, модцй бойликлар шаклида бўлиши мумкин.

Ҳарбир давлат тушунаоладики, у ҳавфсизликни та'миналашга бўлган харажатларини камайтириши блан ўзининг ишлабчиқариш воситаларини кўпайтиради ва осойишталигини оширади. Лекин у ёлғиз ўзи ҳавфсизликни та'миналашга бўлган харажатларини қисқартишга ботинаолмайди. Ҳавфсизлик проблемаси — халқаро проблемадир. Шундай қилиб, ҳавфсизликни та'миналашга бўлган харажатларни қисқартишни ва шундай йўл блан ҳосил қилинадиган энергияни айни бир вақтда интернационаллаштириш керак, бусиз бу энергия фойдасиз қолиб кетар эди.

Халқаро ташкилот қурол-яроғларни келишиб чеклаш иши амалга оширилиши натижасида ҳосил бўладиган ҳамма молия ва моддий воситалардан фойдаланаолар ва кредитор бўлиб қолар эди. Мен махсус умумий ма'мурият ихтиёридаги бу маблағлар ҳам ривож топган районларга ускуналар бериш ҳамда бахтсиз аҳолига ёрдам қилиш вазифалари учун сарфлансин деб таклиф этаман.

Шундай система контроль ва санкциялар проблемасини ҳал этиш имкониятини беради.

Контроль қилиш молия ва бюджет тартибидаги умумий контроль бўлиб қолади. Уни амалга ошириш моддий контрольга қараганда енгилроқ, чунки бюджет бирдан-бир ҳужжатдир.

Иккинчи томондан, ҳатто контрольда камчилик бўлса ҳам, санкциялар автомат равишда та'миналанади, ва бу — асосий қоидадир.

Ҳақиқатан ҳам, умумий фондларда келишиб белгиланган взосларга мувофиқ бўлган маблағлар бўлади. Шундай қилиб, агар шериклардан бири ўз потенциалини юқори даражада сақлайдиган бўлса, у вақтда ўша битимни бузиш даражасига қараб ёки ошириган сумма миқдорида жарима солинади.

Шундай қилиб, санкция та'минланган бўлади. Агар санкция бошқа зиёф бўлиб чиқса ҳам, санкциянинг бу система логикаси натижасида ҳар йили кучайиб бориши уни тезда жуда сезиларли қилиб қўяди.

Бу янги система ҳозирги вақтда контрольнинг технжасини, жумладан БМТ доирасида, ўргэниш ишини тўхтатиб қўймаслиги лозим. Бу йўлдаги ҳаракат тўхтатилмаслиги лозим, ва бу ҳаракат биз таклиф этаётган янги формулага тамомила мос келади.

Маблағларни халқаро ташкилотга топшириш усули шу блан бирга иқтисодий тушкунликдан ҳавфсирашдан амин қилади, қурол-яроғни камайтириш сиёсати амалга оширилганда кўпинча ана шундай бўлади, лекин умумий фондда қатнашучи ҳарбир шерикнинг взноси унинг миллий ишлабчиқариш маҳсулотини етказиб бериш тарақасида киритиладиган бўлиши лозим.

Ниҳоят, бу система техник жиҳатидан бўлган афзалликлар блан бирга, катта ма'навий афзалликка ҳам эга. Бу система жаҳон жамоатчилигини қуролсизланишни амалга ошириш блан қизиқишга рағбатлантирар, қўрқиш ва ўзи ҳақида ташвишланишни эмас, балки бутунлай бошқа ҳисларни туғдирган бўлар, инсон саҳийлиги соҳасида халқаро мусобақани туғдирган бўлар эди.

Мен биламанки, бунга э'тирозлар бўлиши мумкин. Мен тафсилотларга берилиб кетишни истамайман. Энг муҳими фонд ресурсларидан фойдаланишга тааллуқлидир.

Ба'зи давлатлар, ўзларидан олинаётган маблағлардан ўзларини та'миналаш ёки солиқларни камайтириш учун эмас, балки бошқа халқлар томонидан ёки узоқ жойларда фойдаланилиши мумкин, деган фикрдан умидсизланишлари мумкин. Бунга иккки жавоб бор:

1) ҳарбир давлатнинг ўз ҳарбий харажатлагини ўзи истаганича камайтиришига ва ундан ўзи истаганича фойдаланишига ҳеч нарса халқит бермайди. Буерда гап нуқул келишиб ва айни бир вақтда амалга ошириладиган қисқартишлар ҳақида боради, чунки шундай қилинмаганда буни амалга оширилмас эди. Гап ўзига хос алоҳида заём тўғрисида боради. Миллий ишлабчиқариш илгаригича давом этаберади, унинг бир қисми самарасиз тадбирларга эмас, балки хайр-эҳсон мақсадларига қаратилади.

2) иккинчи томондан, бу фондлардан унда қатнашучилардан ба'зиларига ёрдам бериш учун фойдаланишга ҳеч нарса халақит қилмайди, бундай ёрдам фонда қатнашучилар кам ривожланган халқлар тўғрисида ғамхўрлик қилганларида, ёки аниқланиши керак бўлган бошқа ҳолларда берилиши мумкин. Взнос тўловчилардан ёрдам сўровчиларга айланган давлатлар, шундай қилиб, қурол-яроғларни камайтиришнинг олдини олиши ва бу воситаларни ҳайрли ишга қаратиши мумкин.

Лекин инсоннинг асл душмани — вайронгарчилик эмас. Унинг асл душмани — ташвишдир. Сиз ва мен, биз ҳозирги вақтда инсонни ана шу ташвишдан қутқазиш учун кўп нарсаларни қилишимиз мумкин.

Буюк Британия Бош Министри А. Иден баёноти

Бу Кенгаш тарихда ўзига хос бирдан-бир кенгашдир, чунки биз учрашаётган шароит инсоният тажрибасида мисли кўрилмаган бир шароитдир. Давримиздаги илмий ва техника кашфиётлари бизни қандай катта ресурсларга эга қилганлигини ҳаммамиз биламиз. Биз бир-биримизга қўлимизни берсак, инсоният тарихда илгари ҳечқачон бўлмаган тараққиёт даврига ўтиши мумкин. Шунингдек равшанки, буюк давлатлар қатнашадиган ҳарқандай конфликтнинг натижалари ғоят даражада катта вайронликларга олиб келар эди.

Бир замонлар урушда агрессор устунликка эришишни умид қилиши ва ҳарбий акция воситаси блан ўз мамлакатини сиёсий ютуққа эриштириши мумкин эди. Ҳарбий қувват қанча кўп бўлса агрессор енгиб чиқишга шунча кўпроқ учиб кетар ва қасосдан унча ҳайиқмаслиги мумкин эди. Бизнинг ҳарбиримиз бундай мисолни тарихдан эслайоламиз. Ҳозирги вақтда бундай бўлиши ера мумкин эмас. Ҳечқандай уруш ғолибга ўлжа келтириши мумкин эмас; уруш ғолибни ва унинг қурбонини тамомила йўқ қилиши мумкин, холос. Бетарафлар урушчилар блан баббаравар зарар кўрган бўлар эдилар.

Булар шундай даҳшатли фактларки, шуларни назарда тутиб, биз, ниҳоят, узоқ тинчликка эришишимиз мумкин. Ҳарбий акцияга қарши кўрқитиш воситаси огоҳлантиручи сигналдир. Аммо бундай кўрқитиш воситасининг ўзи халқаро проблемаларни ҳал этиши ёки бизнинг ўртамизда мавжуд бўлган ихтилофларни битириши мумкин эмас. Биз бугун бу ерда худди ана шу проблемалар ва ихтилофларни ҳал қилишда илгари силжиш учун ҳаракат қилиб кўргани тўпландик. Бу Кенгашда биз мажбур проблемаларга ва ихтилофларга асосан Европадаги аҳвол нуқтаи назардан қарашимиз лозим.

Бу проблема ва ихтилофларнинг қайси бири асосий ўрин тутади? Албатта, Германиянинг бирлиги проблемаси асосий ўрин тутади, бунга ҳечқандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Германия бўлиниб турар экан, Европа бўлинганича қолаверади. Германиянинг бирлиги тикланмагунча бу қит'ада на ишонч, на ҳавфсизлик бўлиши мумкин эмас. Биз ўзимизнинг ғарбий зонамиз доирасида Германияни бирлаштириш учун қўлимиздан келган ҳамма тадбирларни кўрдик. Биз зоналаримиз ўртасидаги ғовларни олиб ташладик. Биз уч ғарбий зонани иқтисодий жиҳатдан бир деб ҳисобладик ва уларга федерал ҳукумат тузиш имконитини бердик. Биз оккупацияга ҳотима бердик.

Германияни бирлаштириш тўғрисидаги музокараларимиз давом этиб турган даврда Совет ҳукумати ҳозирги вақтда Германиянинг бўлиниб туришини чуқурлаштираётган ҳамда шарқ ва ғарбдаги немислар ўртасида алоқа боғланишига тўсқинлик қилаётган моддий характердаги чеклашларни камайтириш мумкин деб ҳисобласа эди, Германияни бирлаштиришнинг асосий аспектларидан тамомила қат'и назар, бу масалани ҳал қилишда шубҳасиз олға қараб қадам қўйилган бўлар эди.

Энди мен Германияни бирлаштиришга доир каттароқ масалаларга ўтишим лозим. Ўтган йили Берлин Кенгаши муваффақиятсизликка учраганлигининг сабаби нимада? Биз буюк давлатларнинг у томондагилари ҳам, бу томондагилари ҳам, мажбуран ишгол қилдик, деб ҳисоблаган ва очиқ-ойдин белгиланган позициялардан чекинишда қандай қадам қўйишимиз мумкин эканлигини аниқлаб олиш учун, Берлин кенгашининг муваффақиятсизликка учраганлиги масаласини мумкин қадар холисона кўриб чиқишимиз лозим. Берлин Кенгашида Ғарб Германияни бирлаштириш учун эркин сайлов ўтказилишини ҳамда Германияга ўз ташқи сиёсатини ўзи эркин белгилаш ҳуқуқи берилишини таклиф қилди. Иден плани деб аталган планга мувофиқ Германия ё Ғарб блан бирлашиш, ёки Шарқ блан бирлашиш, ёки бетараф бўлиб қолиш йўлини танлаб олиши мумкин эди. Аммо Совет ҳукумати бу планни қабул қилаолмади. Бироқ қалбимиздан чуқур сезиб турамизки, Германия бирлашуви лозим ва буюк мамлакатнинг ўзига хос ташқи сиёсатни эркин равишда танлаб олишига муттасил йўл бермаслик мумкин эмас.

Берлин Кенгаши муваффақиятсизликка учрагалигининг сабаби шундаки, унда қатнашган давлатлардан бири, бирлашган, қайта қуролланган ва НАТО иттифоқига қўшилиш йўлини танлаш ҳуқуқини амалга ошираётган Германия мазкур давлатнинг ҳавфсизлигини тобора кўп таҳлика остида қолдиради, деб ҳисоблади. Мен, бундай ҳавфсирашлар асосли эдими, деган масала устида мунозара қилмоқчи эмасман. Кейинги 10 йил ичида шубҳага ва ташвишга солдиган баҳоналар кўп бўлди. Бу шубҳа ва ташвишлар жуда катта қуролланиш программаларида ўз ифодаларини топди. Бу масалаларни кенгроқ аспектда кўриб чиқишга ҳаракат қилмоқ учун, биз ҳаммамиз БМТнинг қуролсизланиш комиссияси орқали иш олиб боришга розн бўлдик. Яқинда бу комиссияда илгари қўйилган муҳим қадамни тасдиқладик, бу натижа ғарбий давлатларнинг турли таклифлари блан Совет ҳукумати томонидан яқинда бизга тақдим этилган таклифлар ўртасидаги ҳамфикрлик даражасининг мужмилигини кўрсатади. Бу дискуссиялар давом этади, аммо, биз биламизки, бевосита зарур нарса — ишни амалий жиҳатдан бошлаб юборишдир.

Кечиктириб бўлмайдиган проблема кескинликни камайтириш ҳамда шубҳа ва ҳавотирликни бартараф қилиш процессини бошлаб юборишдан иборатдир.

Кескинликни камайтириш ва шубҳа ҳамда кўрқувни йўқотиш процессини қандай бошлаш кераклиги кечиктириб бўлмайдиган проблемадир. Қурол-яроғлар ва қуролли кучлар устидан биргаликда қилинадиган самарали контрольликни қандай қилиб ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз мумкин деган амалий масала ҳам бор.

Бирлаштирилган Германияни қайта тиклашнинг ўзи Европа ҳавфсизлигига нисбатан бўлиши мумкин бўлган таҳдидни кўпайтирмайди ва камайтирмайди. Ҳамма гап бу қайта бирлаштиришнинг қандай шароитда рўёбга чиқарилишига боғлиқдир. Шу сабабли, ҳозирги вақтда мен, рўёбга чиқаришга мўлжалланган ва бир-бири блан боғлиқ бўлган бирқанча таклифларни кўриб чиқайлик, деб таклиф қилмоқчиман. Биринчидан, бу таклифлар, Берлинда ба'зилар ўйлагандек, бизнинг планимиз қабул қилингандан кейин рўй бериши мумкин бўлган ва кўпайиб кетадиган ҳавф-хатар тўғрисидаги хавотирликни юмшатишга қаратилган таклифлардир. Иккинчидан, бу таклифлар қурол-яроғлар устидан та'сирли контроль ўрнатиш соҳасида амалий тажриба ўтказишга қаратилган таклифлардир. Агар бу тажриба Европада маҳалли муваффақият қозонадиган бўлса, у, илгари ҳам бўлганидек, марказдан бошқа жойларга ёйилиши мумкин. Агар биз Европа қит'асида лоқал бир марта бўлса ҳам ҳавфсизлик ишини вужудга келтираолсак, агар биз бу қит'ада кескинликни камайтиришнинг самарали системасини вужудга келтираолсак, у ҳолда биз бу биринчи муваффақият янада кенгроқ ва анча узоққа мўлжалланган тушунишга нисбатан дастлабки иш бўлади, деб умид қилишимиз мумкин эмасми? Шу сабабли бизда, бизнинг фикримизча, шу мақсад учун манфаат этказаоладиган ба'зи идеялар бор.

Юқорида айтиб ўтганимдек, бизнинг мақсадимиз Германиянинг бирлаштирилишини та'миналашдан ва унга ўзи хоҳлаган мамлакатлар блан ҳамкорлик қилиш эркинлигини бериб қўйишдан иборатдирки, бу нарса ҳечким учун таҳдид туғдирмайди. Шу нарса шубҳасиздирки, бунга эришмоқ учун кўп йўллар бор. Мен назарда тутган нарсани яққол кўрсатмоқ учун, бирнеча мисол келтиришга менга ижозат беринг. Бу мисоллар қисман қилинадиган ҳаракатларни ва қисман бериладанган ва'даларни ўз ичига олади. Дастлаб буларнинг иккинчисига тўхталиб ўтайлик. Шу стол атрофида ўтирганлар ва бирлаштирилган Германия ҳам а'зо бўлиши мумкин бўлган ва ҳавфсизлик тўғрисида тузиладиган қандайдир бир пактнинг қатнашчилари бўлишга тайёрмиз деб фараз қилайлик. Ҳарқайси мамлакат ўз шартларида агрессия қурбони ким бўлишидан қат'и назар унга ёрдам кўрсатишга ўзининг тайёр эканлигини айтиши мумкин бўлар эди. Бу пакт ифодаланиши мумкин бўлган кўпгина формалар бор. Биз шу формаларни ўрганишга ва шу формалар тўғрисида ўз нуқтаи назаримизни баён қилиб беришга тайёрмиз деб фараз қилайлик. Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қуролсизланиш комиссиясининг ишларини истисно қилмайди ёки орқага сурмайди, биз бу комиссияга катта аҳамият бермоқдамиз.

Бир-биримизни ишонтирмоқ учун бир-биримизга беришимиз мумкин бўлган бошқа бирор ва'далар борми? Менинг фикримча, кўриб чиқиш муайян равишда лозим бўлган битта ва'да бор. Биз Шарқ блан Ғарб ўртасида демилитаризация қилинган зона вужудга келтириш имкониятини ўрганиб чиқишга тайёр бўлишимиз лозим.

(ОХИРИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА).

Тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг Женева кенгашида

А. Иден баёнотининг охири

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА).

Равшандирки, бу идеялар ҳозирги пайтда Европа районинигина ўз ичига олади, лекин мен бу идеяларнинг бизга бу ердаги амалий ишимизга ёрдам бериши ва ўрнак бўлиши мумкинлигига аминман. Мен буларни якунлаб бераман. Ўзаро хавфсизлик тўғрисида пакт тузиш ҳақида таклиф бор. Ҳар иккала группанинг Германияда ҳам, Германия блан қўшни мамлакатларда ҳам сақлайдиган қуролли кучлари ва қуроллярларининг умумий миқдори тўғрисида битим тузиш перспективаси бор. Бу — ўзаро контроль остига олинган бўлар эди. Демилитаризация қилинган зонани вужудга келтириш идеяси ҳам бор.

Агар биз шу йўлда иш бошлаб юборолганимизда эди, Европада тинчликни та'миналмоқ учун конструктив ва рағбатлантиручи план ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлар эдик. Шу идеяларнинг амалга оширилиши тўғ хавфсизлик вужудга келтирган бўлар эди: мана шундай хавфсизлик йўқлиги учун ҳам ҳозирги вақтда Германия бўлинган мамлакат ҳолида қолиб келмоқда. Мен буларнинг янада ўрганилишини таклиф қиламан. Мен бу ерда шу идеяларни қисқача баён қилиб бердим, холос.

Биргалашиб ишлашимизнинг мен эслатиб ўтишим мумкин бўлган бошқа аспектлари ҳам бор. Масалан, халқларимиз ўртасида борди-келди қилиш ва айрибошлашда кўпроқ эркинликка олиб келиши мумкин бўлган ҳарқандай таклифни қизғин равишда табриклаган бўлар эдик.

Лекин, менинг фикримча, бу Кенгашнинг натижаларига Германиянинг ва Европа хавфсизлигининг келажаги тўғрисида бирқанча амалий натижаларга эришиш соҳасидаги муваффақиятимизга қараб баҳо берилади. Биз икки масала устида, я'ни Германияни бирлаштириш мутлақо зарурлиги ва бунга эришиш имкониятини туғдирадиган воситаларни синчиклаб излаш масалалари устида бамаслаҳат бир фикрга келишни истаймиз. Мен, бизнинг идеяларимиз қандайдир тугал план тариқасида кўриб чиқилсин, деб талаб қилмайман, лекин бу идеялар шундай ҳомаки режадирки, бу режа бамаслаҳат келишиб олинган тақдирда, ҳеч шубҳасиз узил-кесиш ишлаб чиқилиши мумкин бўлар эди. Агар биз шу Кенгашнинг охирида Женевадан кетгунимизга қадар шунга ўхшаш бирон нарсани ишлаб чиқаолсак, жаҳон халқларининг умидлари пучга чиқмаган бўлади.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин баёноти

Раис жаноблари,

Мен Совет ҳукумати номидан АҚШ президенти Д. Эйзенхауэр жанобларини, Франция бош министри Э. Фор жанобларини ва Буюк Британия Бош министри А. Иден жанобларини, шунингдек уларнинг делегациялари а'золарини хурсандлик блан табриклайман ва Кенгашимизнинг самарали ишлашини чин кўнглимдан тилайман. Ушбу Кенгашда Америка Қўшма Штатлари, Франция ва Буюк Британия ҳукуматларининг бошлиқлари блан шахсан алоқа боғлаш имконияти вужудга келганлиги муносабати блан жуда мамнун бўлганлигимни изҳор этаман.

Тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг ҳамма манфаатдор томонларнинг хоҳишига мувофиқ чақирилган кенгаши дун'ёда халқаро муносабатлардаги кескинлик ма'лум даражада юмшайбошлаган ва ҳал этилмаган халқаро проблемаларни ҳал этиш учун анча қулай шароит вужудга келган бир вақтда бўлаётир.

Халқаро кескинликни юмшатишга ёрдам берган фактлар нималардан иборат?

Шу муносабат блан аввало шуни айтиб ўтиш зарурки, Кореядаги қон тўкиш, шунингдек Ҳинди-Ҳитойдаги уруш ҳаракатлари тўхтатилди, бу эса, ҳеч шубҳасиз, тинчлик кучларининг катта муваффақияти бўлди.

Сўнгра Австрия блан Давлат шартномаси тузилганлиги, СССР блан Югославия ўртасидаги муносабатлар нормаллаштирилганлиги ва бу нарса ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстликни ҳамда ҳамкорликни ривожлантиришга йўл очиб берганлиги, Осиё ва Африкадаги 29 мамлакатнинг Бандунгдаги конференцияси муваффақият блан ўтганлиги, Ҳиндистон бош министри Ж. Неру жанобларининг Совет Иттифоқига келиб кетганлиги ва бунинг натижасида СССР блан Ҳиндистон ўртасидаги дўстона муносабатларнинг янада кўпроқ мустаҳкамланганлиги, СССР блан Германия Федерал Республикаси ўртасида дипломатик, савдо ва маданий муносабатларни ўрнатиш тўғрисида Совет Иттифоқи ҳукуматининг Германия Федерал Республикаси ҳукуматига қилган таклифи сингари воқиаларнинг муҳим аҳамияти борлигини уқтириб ўтиш зарур.

Қурол-яроғларни қамайтириш, атом ва водород қуролини тақиқлаш ҳамда янги уруш хавфини йўқотиш масалалари устида Совет ҳукумати томонидан шу йил 10 майда қилинган таклифларнинг халқаро кескинликни қамайтириш учун бўлган аҳамиятини ҳам алоҳида уқтириб ўтиш зарур.

Броқ, бизни ажратиб турган ва кечиктирмай ҳал этишни талаб қилаётган проблемалар бор. Шу проблемаларнинг ҳал этилмаётганлиги, халқаро вазият бирмунча яхшиланганлигига қарамай, умуман бу вазият ҳали ҳам кескин бўлиб қолаётганлигига, давлатлар ўртасида ишончнинг ҳали вужудга келтирилмаганлигига сабаб бўлмоқдаки, бундай ишонч бўлмаса халқлар ўзларининг эртаги кунлари учун бехавотир бўлолмайдилар.

Ма'лумки, «совуқ муносабатлар уруши» ҳали ҳам давом қилмоқда. Яна шуни ҳам э'тироф қилмаслик мумкин эмаски, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни яхшилаш йўлида мавжуд имкониятлардан фойдаланмоқ учун кейинги йилларда лозим бўлган ишларнинг ҳаммаси ҳам қилинди деб бўлмайди, ишончсизлик ва кескин муносабатлар шароитида ҳукуматлар томонидан шундай тадбирлар кўрилдики, бу нарса бизнинг муносабатларимизни янада кўпроқ ёмонлаштириб юборди.

Мана шуларнинг ҳаммаси тўрт давлатнинг бу ерда тўпланган давлат арбоблари зиммасига рўй берган аҳволни жуда жиддият блан кўриб чиқиш ва ҳам катта ва кичик давлатлар ўртасидаги муносабатларда зарур ишончни вужудга келтиришга кўмаклашмоқ учун мумкин бўлган ҳамма тадбирларни кўриш вазифасини юклайди.

Президент Д. Эйзенхауэрнинг бу ердаги баёнотини, айниқса унинг қуйидаги сўзларини мароқ блан эшитдик:

«Америка халқи совет халқининг дўсти бўлишни истарди. Америка халқи блан совет халқи ўртасида низо'лар йўқ, улар ўртасида жанжаллар йўқ, савдо душманчилиги йўқ. Тарихий жиҳатдан бизнинг халқларимиз ҳамиша тотув бўлиб яшаб келганлар».

Сўнгра президент жаноблари иккала халқ ўртасидаги сун'ий ғовларнинг ҳаммасини йўқотиш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Биз бу гапларнинг ҳаммасига тўла равишда қўшиламиз, чунки мазкур ғовларни олиб ташлаш Совет ва Америка халқларининг миллий манфаатларига ҳам, шунингдек умумий тинчлик манфаатларига ҳам мос бўлиб тушар эди.

Совет ҳукуматининг фикрича, бу Кенгашнинг вазифаси бу ерда бир-биримизга қарши у ёки бу хил айбларни қўйишдан иборат бўлмай, балки халқаро кескинликни камайтириш ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ишонч вазиятини вужудга келтириш йўлларини ва воситаларини излаб топишдан иборатдир.

Кенгашимизнинг асосий вазифаси — ўзининг ҳал қилиб берилишини талаб қилаётган проблемалар устида бамаслаҳат зарур бир фикрга келиш йўлларини топишдан иборатдир. Совет Иттифоқи делегацияси ҳал қилинмаган масалаларни Кенгашнинг ҳамма қатнашчилари блан биргаликда куч ва ғайрат сарфлаб ҳал қилиб олиш нияти блан бу Кенгашга келди ва Кенгашнинг бошқа қатнашчилари томонидан киритилиши лозим бўлган таклифларни жуда диққат блан кўриб чиқишга тайёрдир.

Ҳозирги кунда Женевага, шу Кенгашга кўз тикиб турган халқлар биздан худди мана шуни қутмоқдаларки, бунга шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Шу нарса тасодифий эмасдирки, кўпгина давлат арбоблари халқларининг тинчликка бўлган қат'ий иродаси блан қисоблашиб, ҳал этилмаган проблемаларни барча манфаатдор томонларнинг қонуний ҳуқуқларини лозим бўлган даражада ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиб беришни тобора кўпроқ қат'ият блан талаб этмоқдалар.

Шундай проблемаларни, шу жумладан Европа ва Осиёнинг ҳал этилмаган проблемаларини ҳал қилиш йўлида турган қийинчиликларни камайтириб кўрсатмоқчи эмасмиз. Қийинчиликлар бор ва бу қийинчиликлар ҳазиллакам қийинчиликлар эмас. Броқ, модомики бизо ҳаммамиз қийинчиликларни енгиш йўлини топиш ниятида шу Кенгашга келган эканмиз, мана шунинг ўзи бу Кенгашнинг муваффақият қозонишы учун муқаррар гаровдир. Совет ҳукумати шундай фикрдадирки, урушдан кейинги 10 йил мобайнида тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг биринчи марта тўпланган бу Кенгаши, агар биз ҳаммамиз халқаро кескинликни юмшатишга ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда ишонч ўрнатишга чинакам интиладиган бўлсак, ўзининг тарихий ролини ўйнаши мумкин.

Совет ҳукумати ҳам бу олижаноб мақсадга эришишга АҚШ, Буюк Британия ва Франция ҳукуматлари блан бирликда кўмаклашишга тайёрдир.

Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати аниқ ва равшандир. Биз халқлар ўртасида тинчлик бўлишини, у ёки бу давлатда қандай ички тартиб ўрнатилганлигидан қат'и назар, у, монархист давлатми ёки республикачи давлатми, капиталистик давлатми ёки социалистик давлатми эканлигидан қат'и назар, барча давлатларнинг тинч тотув бўлиб яшашини талаб қилиб келдик ва талаб қилмоқдамиз, чунки ҳарқайси давлатдаги мавжуд социал ва иқтисодий система тўғрисидаги масала шу давлат халқининг ички ишидир.

Бу шак-шубҳасиз қоидани э'тироф қилиш ҳал этилмаган халқаро проблемаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун жуда муҳим аҳамиятга эга.

Зўр бериб қуролланиш, ялпи қирғин қуролларининг тобора кўпроқ хатарли ва вайрон қилучи турлари пайдо бўлаётганлиги ва бу нарса халқларнинг бошига беҳисоб кулфатлар келтиручи янги уруш хавфини анча кучайтираётганлиги характерли бўлган ҳозирги аҳвол тўғрисида чинакам ташвиш тортаётган киши зўр бериб қуролланишга хотима беришни, атом қуролини тақиқлашни ва атом энергиясидан фақат тинчлик мақсадларидагина, инсониятнинг бахт-саодати йўлида, цивилизацияни яшнатиш йўлида фойдаланишни та'миналашни талаб қилаётганлар овозига ўз овозини қўшмаслиги мумкин эмас.

Совет Иттифоқига келганда, у, атом энергиясидан тинчлик мақсадида фойдаланиш соҳасида кенг миқ'ёсда халқаро ҳамкорлик қилишни талаб этиб келди ва талаб этмоқда, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилишнинг муҳимлигини президент Эйзенхауэр жаноблари ўзининг ма'лум баёнотида уқтириб ўтди. Бу тўғрисида Совет ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ҳам, шунингдек атом масаласи устида бўлган Совет—Америка музокараларида ҳам неча қайталаб айтиб ўтган эди.

Совет ҳукумати атом энергияси бўйича Халқаро агентликни тузиш тўғрисида битим тузилган ҳамоно шу агентлик ҳузуридаги атом материаллари Халқаро фондига парчаланучи материалларидан тегишли миқдорни топшириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шу муносабат блан айтиб ўтиш зарурки, Совет Иттифоқи беш давлатнинг қуролли кучлари учун Қўшма Штатлар, Англия, Франция ва Канада томонидан таклиф қилинган даражаларни белгилаш ни тўғри деб ҳисоблайди. Агар бу Кенгаш халқаро битим тузилишини ма'қуллаганда эди ва шу битимда АҚШ, СССР ва Хитой қуролли кучларининг даражасини мазкур давлатларнинг ҳарқайсиси учун бир ярим миллион кишигача қилиб белгилаш, Англия ва Франция учун 650 минг кишидан қилиб белгилаш, қолган ҳамма давлатлардаги қуролли кучларнинг даражасини 150—200 минг кишидан оширмайдиган қилиб белгилаш тўғрисида ҳаммамиз рози бўлган фикр ифодаланганда эди, жуда муҳим иш қилинган бўлур эди.

Мен шу нарсани яна бир марта уқтириб ўтмоқчиманки, Совет ҳукумати оддий қурол-яроғлар тўғрисида уч давлатнинг таклифини қабул қилди. Эндиликда биз шу давлатлар атом қуролини тақиқлаш масаласи устида битимга келишни та'миналаш лозим бўлган тадбирни кўришлари керак, деб кутишга ҳақлимиз, бундай битим қуролсизланиш тўғрисидаги бутун масалани реал заминга қўйишга имкон берган бўлур эди.

Франция бош министри Э. Фор жаноблари ўз нутқида ҳарбий эҳтиёжлар учун бюджетдан бериладиган маблағларни камайтириш зарурлиги тўғрисида фикр баён қилиб, буни ёқламоқ учун ўз мулоҳазаларини айтиб ўтди. Бизнинг фикримизча, бу мулоҳазалар э'тиборни жалб қилади ва диққат блан ўрганишга сазовордир.

Бундан ташқари, Совет ҳукуматининг фикрича, агар тўрт давлат Австрия давлат шартномаси тузилганлиги муносабати блан Австрия территориясидан олиб чиқиб кетилаётган ўзларининг ҳарбий контингентларини демобилизация қилишга ҳозирнинг ўзидаёқ бамаслаҳат бир фикрга келсалар ва шунга яраша ўз қуролли кучларининг сонини қамайтирсалар, бу блан улар яхши ишни бошлаб берган бўлур эдилар. Совет ҳукумати мана шундай тадбирни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилди ва АҚШ, Франция ва Буюк Британия ҳукуматларини шундай қилишга чақиради.

Европа хавфсизлиги масаласи, Европада тинчликни та'миналаш масаласи қандай аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида муфассал гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Тарих тажрибалари шуни кўрсатадики, энг қонли ва вайрон қилучи урушлар Европада бўлиб ўтган. Демак, Европада тинчликни та'миналаш умумий тинчликни та'миналмоқ учун ҳал қилучи аҳамиятга эгадир.

Совет ҳукумати шу нарсага аминдирки, барча Европа давлатларининг ва Америка Қўшма Штатларининг иштироки блан коллектив хавфсизлик системасини ташкил этиш Европада тинчликни та'миналашнинг ва янги агрессияни даф' қилишнинг энг яхши йўлидир. Шу мақсад блан тегишли қарорлар қабул қилиниши Европадаги бутун вазиятни соғайтирган бўлур эди ва Европа халқларининг ҳаёти учун нормал шароит вужудга келтирган бўлур эди. Европадаги бир группа давлатларнинг Европадаги бошқа давлатларга қарши қаратилган ҳарбий гуруҳлари ўрнига Европадаги барча давлатларнинг биргалашиб куч ва ғайрат сарф қилишига асосланган хавфсизлик системаси вужудга келтирилиши лозим. Бу хавфсизлик системасининг принциплари Совет ҳукуматининг ма'лум таклифларида аниқ айтиб ўтилди.

Бундай системани вужудга келтириш йўлида турган қийинчиликларни ва, жумладан, шу Кенгашда қатнашаётган давлатлар бошқа давлатлар блан ҳарбий мажбуриятлар орқали боғланганликларини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Шу сабабли, битимга келиш мақсадида, Совет ҳукумати Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтиришни икки даврга бўлиш мумкин бўлар эди, деб ҳисоблайди.

Биринчи даврда шартнома қатнашчилари бўлган давлатлар мавжуд шартномалар ва битимлар юзасидан ўз зиммаларига олинган мажбуриятлардан озод қилинмайдилар, лекин улар қуролли кучларни қўлланишдан ўзларини тийиш ва ўз ўрталарида келиб чиқиши мумкин бўлган ҳамма низо'ларни тинчлик воситалари блан ҳал этиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

Қурол-яроғларни қамайтириш ва атом қуролини тақиқлаш тўғрисида, шунингдек Европа мамлакатларининг территориясидан четэл қўшинларини олиб чиқиб кетиш тўғрисида битим тузилганга қадар, шартнома қатнашчилари бўлган давлатлар Европанинг бошқа давлатлари блан илгари тузилган шартномалар ва битимлар асосида шу давлатлар территориясидаги ўзларининг қуролли кучларини кўпайтириш тадбирларини асло амалга оширмаслик мажбуриятини ўз зиммаларига олишлари тўғрисида бамаслаҳат бир фикрга келиш мумкин бўлур эди.

Иккинчи даврда мазкур давлатлар шартнома бўйича Европада коллектив хавфсизлик системаси вужудга келтириш блан боғлиқ бўлган мажбуриятларни тўла ҳажмда ўз зиммаларига оладилар, шу блан бир вақтда Шимолий Атлантик шартномаси, Париж битимлари ва Варшава шартномаси ўз кучини тўла равишда йўқотади, давлатларнинг шулар асосида вужудга келтирилган гуруҳлари тугатилади ва бу гуруҳларнинг ўрнини умумевропа коллектив хавфсизлик системаси олади. Бош министр Иден жаноблари ўз баёнотида Европадаги хавфсизлик масаласи устида мамлакатларимиз бир-бирлари блан бамаслаҳат бир фикрга келишлари зарур деб айтди. Бу — жуда муҳим нарсадир. Совет Иттифоқи ҳам худди шунга интилмоқда.

Совет ҳукуматининг бу таклифи унинг Европада чинакам самарали хавфсизлик вужудга келтириш вазифасини ҳал қилишга ёрдам беришга интилаётганлигини кўрсатучи янги далилдир.

Совет ҳукумати, биз оқибат натижада Европа давлатларининг территориясида четэл қўшинлари бўлмаслигига интилишимиз лозим деб ҳисоблайди.

Европа давлатларининг территориясидан четэл қўшинларининг олиб чиқиб кетилиши ва бу жиҳатдан иккинчи жаҳон урушига қадар мавжуд бўлган аҳволнинг тикланиши, мана шу фактнинг ўзи тинчликни мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлур эди, Европадаги вазиятни тўбдан яхшилаган бўлур эди ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда ҳозирги вақтда рўй бераётган ишончсизликнинг катта манба'ларидан бирини, балки энг катта манбаини йўқотган бўлур эди.

Агар бу тадбирга қурол-яроғларни қамайтириш ва атом қуролини тақиқлаш вазифаси нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, бу тадбирнинг аҳамияти янада кўпроқ ёқ бўлади. Европа давлатларининг территориясидан четэл қўшинларининг олиб чиқиб кетилиши Европа давлатларининг ва бошқа давлатларнинг ҳам оддий қурол-яроғларини қамайтириш соҳасида ҳам, шунингдек ядро қуролини қўлланишни тақиқлаш масаласи устида ҳам битимга келиш имкониятини кўп жиҳатдан енгилаштиргган бўлур эди.

Ўз-ўзидан ма'лумки, Совет Иттифоқи шундай мулоҳазаларни айтаётган бўлсада, гарчи тарих тажрибалари Совет Иттифоқини ўзининг ғарбий чегаралари тўғрисида бошқа ба'зи давлатларга қараганда қамроқ эмас, балки кўпроқ ғамхўрлик қилишига ҳақли эканлигини ўқтаётган бўлса ҳам, лекин у ўзи учун қандайдир алоҳида шароит талаб қилаётгани йўқ. Ҳаммага ма'лумки, агрессор бизнинг мамлакатимизга ҳужум қилганида ҳар сафар Совет Иттифоқи чегараларининг ғарбидаги давлатлар территориясидан ўтиб келган эди.

Қурол-яроғларни қамайтириш ва атом қуролини тақиқлаш масаласи устида ҳам, шунингдек Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш ва Европа давлатлари территориясидан четэл қўшинларини олиб чиқиб кетиш масалалари устида ҳам Совет ҳукуматининг мен баён қилиб ўтган мулоҳазаларига нисбатан АҚШ, Буюк Британия ва Франция ҳукуматларининг қандай муносабатда бўлишларини билишни истар эдим.

Табиий, ҳарқайсиси тинчлик тақдири учун катта аҳамиятга эга бўлган шу масалаларни ҳал қилиш асослари тўғрисида бамаслаҳат бир фикрга келганимиз тақдирда ҳам шу масалаларнинг биронтаси тўғрисида зарур битимга келмоқ учун бирқанча вақт ўтиши мумкин. Шу нарсани ҳисобга олиб, шунингдек ушбу Кенгашда вакиллари қатнашаётган давлатлар бошқа мамлакатлар блан ўзлари тузган шартномалар ва битимлар бўйича ўз зиммаларига муайян мажбуриятлар олганликларини ҳисобга олиб иш кўрганимизда ҳам, зарур келишмага эришганга қадар, мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда бўлган кескинликни юмшатиш ва бу блан ҳал этилмаган проблемаларни ҳал қилмоқ ва шулар қаторида қуролсизланиш, Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш масалаларини ҳал қилиш, шу жумладан, Европа хавфсизлиги учун энг муҳим масала бўлиб келган ва бўлиб қолаётган Германия масаласини ҳал қилиш йўлида тўрт давлатнинг куч ва ғайрат сарфламоқ учун қандай тадбирлар кўриши лозим деган масала келиб чиқади.

Совет ҳукумати қуролсизланиш ва Европа хавфсизлиги системасини вужудга келтириш программасини илгари сурганида шунга асосланиб иш кўрмоқдаки, халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатиш ва Европа хавфсизлигининг самарали системасини вужудга келтириш Германия масаласини ҳал этишни кўп жиҳатдан енгиллаштиргган бўлур эди, тинчлик ва демократик негизларда Германияни бирлаштирмоқ учун зарур асосларни вужудга келтиргган бўлур эди.

Совет ҳукумати герман халқининг миллий манфаатларига ва Европа хавфсизлиги манфаатларига мувофиқ, Германияни бирлаштириш тарафдори бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Германияни тинчликсевар ва демократик давлат қилиб бирлаштириш Европада тинчликнинг тақдири учун ҳам, шунингдек уруш натижасида неча марталаб оғир қурбонлар берган ва вайронликларга учраган герман миллатининг ўзи учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлур эди. Бу нарса бундан кейин герман халқи олдида Германиянинг тинч экономикасини ва маданиятини ривожлантирмоқ учун, Германия аҳолисининг фаровонлигини оширмоқ учун кенг имкониятлар очиб берган бўлур эди.

Шу нарсани э'тироф қилиш керакки, Ғарбий Германиянинг қайтадан ҳарбийлаштирилаётганлиги ва ғарб давлатларининг ҳарбий гуруҳларига қўшиб олинаётганлиги Германияни бирлаштириш йўлида ҳозирги вақтда асосий ғов бўлиб турибди. Германияни қайта бирлаштириш тўғрисида ҳозирги шароитда гаҳчи дарҳол битимга келиш мумкин бўлмаган тақдирда ҳам Германия проблемасини ҳал қилишга эришиш зарурлигини эсда тутиб, бу ерда фикр олишиш керак эди. Бу тақдирда бу вазифани қадамма-қадам ҳал қилиш зарур.

Бошқа ба'зи масалалар устида ҳам тўхталиб ўтишни лозим деб ҳисоблайман.

Совет ҳукумати шундай фикрдадирки, Шимолий Атлантик шартномасининг ва Париж битимларининг қатнашчилари бўлган давлатлар блан Варшава шартномасининг қатнашчилари бўлган давлатлар бирбирларига қарши қуролли куч қўлланмаслик тўғрисида ўз зиммаларига ўзаро мажбуриятлар олишлари мумкин бўлур эди. Ўз-ўзидан равшандирки, бу тариқа мажбуриятлар қуролли ҳужум бўлиб қолган тақдирда, Биргалашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 51-нчи моддасида кўзда тутилганидек, давлатларнинг якка тартибда ёки коллектив бўлиб ўзларини ўзлари мудофаа қилишдан иборат ҳуқуқларига дахл қилмаслиги лозим.

Сўнгра улар ўз ўрталарида Европада тинчликни сақлашга хавф туғдирадиган ихтилофлар ёки низо'лар пайдо бўлган тақдирда ўзаро консультациялар ўтказиш мажбуриятларини ўз зиммаларига олишлари мумкин бўлур эди.

Совет ҳукумати борган сари актуал бўлиб қолаётган бир муҳим масалага Франция, Буюк Британия, АҚШ ҳукуматларининг э'тиборини жалб қилиш ниятидадир.

Ма'лумки, кейинги вақтларда ба'зи давлатларда бетарафлик сиёсатини, ҳарбий блокларда ва коалицияларда қатнашмаслик сиёсатини ўтказиш учун бошланган ҳаракат тобора кучайиб бормоқда. Тажриба шуни кўрсатадики, уруш вақтида бетарафлик сиёсатини ўтказиб келган ба'зи давлатлар ўз халқларига хавфсизликни та'миналаб бердилар ва ижобий роль ўйнадилар. Гарчи ба'зи мамлакатларнинг бетарафлиги нуқсонсиз бўлмаган бўлсада, буни иккинчи жаҳон урушининг тажрибаси ҳам та'кидламоқда.

Совет ҳукумати яна шундай фикрдадирки, бетарафлик ва ҳарбий гуруҳларда қатнашмаслик сиёсатини ўтказишни истаган ба'зибир давлатлар, шундай ҳарбий гуруҳлар мавжуд бўлиб турган шароитда, ўз хавфсизликларини ва территориал бутунликларини гарантиялаш масаласини қўйсалар, бу тақдирда буюк давлатлар ўзларини истаклариини қондиришлари лозим. Ҳаҳолда, Совет Иттифоқига келганда, у, масалан, Австрияга нисбатан ўзи айтиб ўтганидек бу хилдаги гарантияларда қатнашишга тайёрдир.

Бу ерда Шарқий Европа мамлакатлари—халқ демократияси мамлакатлари тўғрисидаги масала тилга олинди. Бу Кенгашда шу масалани қўйиш — бизни шу давлатларнинг ички ишларига аралашишга ундаш демакдир.

Аммо, шу нарса яхши ма'лумки, шу мамлакатлардаги халқ-демократик режим шу мамлакатларнинг халқлари томонидан ўз хоҳишларини эркин равишда изҳор қилиш асосида ўрнатилган режимдир. Бундан ташқари, шу мамлакатлардаги аҳволни кўриб чиқиш учун бизга ҳеч ким ваколат берган эмас.

Шундай қилиб, бу масалани бизнинг Кенгашимизда муҳокама қилиш учун асос йўқ.

Бу ерда «халқаро коммунизм» деб аталган масала ҳам тилга олинди. Броқ, шу нарса ма'лумки, бизнинг Кенгашимиз турли мамлакатлардаги у ёки бу хил сиёсий партияларнинг фаолиятини ёҳуд шу партиялар ўртасидаги муносабатларни муҳокама қилиш учун эмас, балки давлатлар ўртасидаги муносабатларга доир проблемаларни муҳокама қилиш учун чақирилган Кенгашдир. Шунга кўра, биз ҳукуматлар бошлиқларининг кенгашида бу масаланинг қўйилишини ўринли эмас деб ҳисоблаймиз.

Совет ҳукумати Осиё ва Узоқ Шарқ проблемаларини ҳал қилиш зарурлиги тўғрисидаги масалага ўзининг муносабатини неча қайталаб айтиб ўтган эди. Жумладан, у, Узоқ Шарқда аҳволни чатақлаштирадиган хатарли ўчоққа айланган Тайвань районида рўй берган жиддий аҳволга тегишли давлатларнинг э'тиборини жалб қилган эди. Осиёдаги ва Узоқ Шарқдаги, шу жумладан Тайвань районидаги аҳволни, Хитойнинг шу ўрога бўлган ҳеч шубҳасиз ҳуқуқини э'тироф қилиш асосида ҳал этиш бутун халқаро вазиятни яхшиламоқ учун катта аҳамиятга эга бўлур эди.

Шу муносабат блан Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг Тайвань масаласини АҚШ блан Хитой Халқ республикаси ўртасида бевосита музокаралар олиб бориш йўли блан ҳал қилишга интилаётганлигини эслатиб ўтиш зарур деб ҳисоблайманки, Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг бу интилиши ҳаммага яхши ма'лумдир.

Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги қонуний ҳуқуқларини тиклаш масаласининг муҳимлигини ҳам айтиб ўтиш зарур. Чанкайшичилар вакили бу ташкилотда ҳали ҳам араланшиб юрганлиги, улуғ Хитой Халқ Республикаси эса шу ташкилотда ўз ўрнини олиш имкониятидан маҳрум қилиниб қўйилганлиги нормал бир аҳвол бўлмаслиги ўқада турсин, ҳатто йўл қўйиб ҳам бўлмайдиган бир аҳволдир. Бу адолатсизликни тўғрилаш зарур, бу нарса қанчалик тез қилинса шунчалик яхшироқ бўлади.

Совет ҳукумати, тўрт давлат Кенгаши давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга куч ва ғайрат сарф қилиш блан бирга, улар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш масаласига ва, жумладан, савдо-сотиқни кенгайтириш масаласига э'тибор бериши лозим, деб ҳисоблайди. Ҳозирги вақтдаги мавжуд аҳвол, я'ни бирқанча давлатларда ҳархил сун'ий чеклашлар жорий қилинганлиги, бунинг натижасида жаҳондаги кўпгина давлатлар ўртасида узоқ вақтлар мобайнида давом этиб келган иқтисодий ва савдо алоқаларининг узилиб қолганлиги халқаро кескинликни юмшатиш йўлидаги жиддий ғовларнинг биридир. Ҳал этилмаган халқаро проблемалар бўйича битимга келишга ва «совуқ муносабатлар урушини» тўхтатишга интилиб иш кўриладиган бўлса, одатда давлатларнинг экономикаси ҳарбий тайёргарлик манфаатларига бўйсундирилган пайтда жорий қилинаётган бундай чеклашларни оқлоқ учун ҳеч қандай асос топилиши мумкин эмас. Биз бу нарсага э'тиборни жалб қилаётган эканмиз, бундан Совет Иттифоқининг экономикаси бизнинг ихтиёримизда ташқари нормал иқтисодий ва савдо алоқалари бузилган давлатлар блан шу алоқаларни қайта тикламай иш кўролмайди, деган ма'но келиб чиқмайди. Биз бу тўғрида шунинг учун гапираётирмизки, мамлакатлар ўртасида нормал ва дўстона муносабатларни йўлга қўймоқ учун бу соҳада анчагина имкониятлар бор, бу имкониятлар халқларнинг фаровонлигини оширишга, халқаро кескинликни камайтириш ва давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш ишида яхши натижалар бериши мумкин.

Биз маданият ва фан соҳасида халқаро алоқани ва ҳамкорликни кенг равишда ривожлантириш, халқлар ўртасидаги муносабатларга халақит бераётган ғовларни олиб ташлаш тарафдори бўлиб келдик ва ҳозир ҳам шунга тарафдормиз. Биз шу нарсага аминмизки, халқаро маданий ва илмий ҳамкорликнинг кенг равишда ривожлантирилиши давлатлар ўртасидаги муносабатларда бўлган кескинликни камайтириш ва улар ўртасида зарур ишончни вужудга келтириш мақсадига мос бўлган бўлур эди.

Совет ҳукуматининг фикрича, бизнинг Кенгашимизда кўриб чиқилиши керак бўлган муҳим масалалар ва Совет ҳукумати Кенгашимиз ишга бошлаганидаёқ шу масалалар устида айтмоқчи бўлган мулоҳазалар шулардан иборатдир.

Биз бу ерда Қўшма Штатлар, Франция ва Буюк Британия ҳукуматлари бошлиқларининг баёнотларини эшитдик. Бу баёнотларда кўпгина муҳим масалалар қўйилди, шу масалалар устида зарур битимга келиш мақсадида асослар топмоқ учун шу масалалар бўйича фикр олишиш зарур. Айтиб ўтилган масалалар орасида қўшимча равишда ўрганишни талаб қиладиган масалалар ҳам бор. Шундай масалалар ҳам борки, бу масалалар тўғрисида бизларнинг нуқтаи назаримиз турличадир, броқ, бизнинг фикримизча, бу нарса Кенгашимиз ишининг муваффақиятли боришига ҳалақит бермаслиги лозим.

Совет ҳукумати бу Кенгаш тинч ва осойишта ҳаётга муштоқ бўлган халқларнинг умидларини рўёбга чиқариш учун ўзининг қўлидан келган ҳамма чораларни кўради.

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ ДУАЙТ Д. ЭЙЗЕНХАУЭР ҲУЗУРИДА СССР ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ШАРАФИГА ЗИЁФАТ

ЖЕНЕВА, 18 июль. (ТАСС махсус мухбири). Бугун Америка Қўшма Штатлари президенти Дуайт Д. Эйзенхауэр тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг Кенгашида қатнашаётган Совет ҳукумат делегацияси шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Н. А. Булганин (делегация бошлиғи), Н. С. Хрущев, В. М. Молотов, Г. К. Жуков, А. А. Громико ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда Америка томонидан Ж. Даллес, Ч. Болен, Д. Макартур, Л. Мерчэнт, Д. Хэгерти, Л. Томпсон ҳозир бўлдилар.

ЖАҲОН ТИНЧЛИК АССАМБЛЕЯСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Ҳиндистоннинг Жаҳон Тинчлик Ассамблеясида қатнашган делегациясидан бир группаси 19 июльда ўз ватанига самолётда учиб кетди. Жаҳон Тинчлик Ассамблеясида қатнашган ва Ўзбекистонда бўлган Ҳиндистон делегациясининг бошқа а'золари Тошкентдан бундан бирнеча кун илгари жўнаб кетган эди.

Аэродромда ҳиндистон жамоатчилигининг вакилларини Тинчликни ҳимоя қилиш Ўзбекистон республика комитетининг а'золари, четэллар блан маданий алоқа қилиш Ўзбекистон жамиятининг мас'ул ходимлари кузатиб қолдилар. (ЎзТАГ).

ХРОНИКА

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Николай Васильевич Славинни СССРнинг Данияда ги Фавқулодда ва Мухтор Вакили қилиб тайинлади.

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Иван Григорьевич Сисоевни бошқа ишга ўтганлиги сабабли уни СССРнинг Данияда ги Фавқулодда ва Мухтор Вакили вазифасидан озод қилди.

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг шу йил 17 июль сонида биринчи бетда босилган ўртоқ Н. А. Булганин докладининг биринчи стун юқоридан 52—53—54-нчи йўллари: «Бу юксалиш саноатимизнинг даражасини урушдан аввалги даражага нисбатан уч баравар ошириш имконини бериши керак» деб, пастдан 8-нчи абзацининг иккинчи жумласи: «Бу йил 3 миллион тоннага яқ